Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1988 йил 2 февраль
СЕШАНБА
№ 27 (4.223).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИГА, ЧОРВАЧИЛИКНИ ИНТЕНСИВЛАШГА ПАРТИЯВИЙ ЭЪТИБОР БЕРИЛСИН

29—30 январь кунлари КПСС Марказий Комитетида мамлакат Европа зонасидаги бир қанча иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг биринчи секретарлари, республика, ўлка ва область агросаноат комитетларининг раислари иштирокида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Колхоз ва совхозларни тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш, чорвачиликни янада интенсивлаш, шу асосда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришни таъминлаш борасидаги партиявий ишларни ташкил қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Семинар-кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари **В. И. Воротников, Е. К. Лигачев, В. П. Никонов,** КПСС Марказий Комитетининг секретари **Г. П. Разумовский,** СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, СССР Агросаноат давлат комитетининг раиси **В. С. Мураховский,** СССР Халқ контроли комитетининг раиси **С. И. Манякин,** КПСС Марказий Комитети, СССР ва РСФСР Министрлар Совети аппаратларининг масъул ходимлари, ВАСХНИЛ олимлари қатнашдилар.

КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари **В. К. Месяц** ва КПСС Орёл область комитетининг биринчи секретари **Е. С. Строев** озуқа ишлаб чиқариш ва чорвачиликни интенсивлаш асосида озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш юзасидан партия ташкилотларининг иши тўғрисида ахборот бердилар.

Бутуниттифоқ чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг директори **Н. И. Стрекозов,** Бутуниттифоқ озуқа илмий-тадқиқот институтининг директори **В. Г. Игловиков,** Курган дон хўжалиги илмий тадқиқот институтининг директори **И. А. Сикорский** озуқа ишлаб чиқариш ва чорвачилик проблемалари илмий-тадқиқотларининг асосий йўналишлари ҳамда уларнинг натижаларини маълум қилдилар. «Раменский» агросаноат комбинатининг бош директори **К. В. Куницкий,** Липецк областидаги «Рапс» илмий ишлаб чиқариш системасининг директори **И. В. Артемов** иш тажрибасини сўзлаб беришди.

Москва областида семинар-кенгаш қатнашчилари Ленин районидаги «Шчапово» тажриба-намуна хўжалиги, М. Горький номли колхоз ҳамда Красногорск районидаги «Завет Ильича» колхози партия ташкилотлари ҳамда чорвачилик фермалари меҳнат коллективларинг тармоқда интенсив технологияларни, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор формаларини хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлашни жорий этиш соҳасидаги иш тажрибаси билан танишдилар. «Завет Ильича» колхозининг оилавий фермасида пудрат шароитида бузоқларни парвариш қилаётган Пятаевлар оиласи билан муфассал суҳбат ўтказилди.

Подольскда улар гўшт комбинати билан сут заводини бориб кўрдилар. Ана шу корхоналарда Ватанимизда ишлаб чиқарилган ва фермалар маҳсулоти чиқитсиз технология асосида чуқур қайта ишланишини, тоғ хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини таъминлайдиган янги машина-ускуналар кўрсатилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Е. К. Лигачев ўз нутқида семинар-кенгашга якун ясади.

Партиямиз, деди у, қайта қуришнинг янги, энг қийин босқичига — қайта қуриш снёсатини амалда рўёбга чиқариш, уни реал ишлайдиган системага айлантириш босқичига қадам қўйди. Бундай системадан мақсад совет кишилари моддий ва маънавий турмуш даражасини анча оширишдан иборатдир. Ўз манфаатларига эга бўлган инсон ҳамиша партия снёсатининг марказида бўлади ва шундай бўлиб қолади. Биз барча қилинган ишларга ва ҳали қилинишн лозим бўлган ишларнинг ҳаммасига айни шу позициядан туриб баҳо беришимиз лозим. Мамлакат аҳолисини юқори сифатли ва хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш биринчи навбатдаги кечиктириб бўлмайдиган ишлар жумласидандир. Бу масала доимо кун тартибида бўлиб, уни ҳал этиш бир жойда туриб қолгани йўқ.

Кейинги икки йилнинг ўзидагина мамлакатда дон етиштиришнинг ўртача йиллик миқдори ўтган беш йилликка нисбатан 17 процент, қанд лавлаги етиштириш 11 процент, кунгабоқар — 14, гўшт — 13, сут ва тухум етиштириш 9 процент кўпайди. Силжишлар яққол кўриниб турибди. Бироқ бажарилган ишларга холис баҳо бера туриб, шуни дангал эътироф этиш керакки, совет кишиларининг юқори сифатли хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотларига ва аввало чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжларини биз ҳозирча тўла-тўкис қондира олмаймиз.

Озиқ-овқат проблемасини ҳал этишда КПСС Марказий Комитети агросаноат комплексида ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуриш, хўжалик юритишнинг янги механизми, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор формалари, хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлашни каби ташкилий-иқтисодий омилларга асосий роль ажратмоқда. Одамларнинг ижтимоий активлиги ва меҳнат ғайратини кучайтирадиган барча омилларга ана шундай муҳим роль берилмоқда. Қишлоқ хўжалигининг ва қайта ишлаш соҳасининг моддий базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда техника билан қайта жиҳозлаш ҳам жуда муҳимдир.

Бироқ, М. С. Горбачев бир неча марта таъкидлаб ўтганидек, энг муҳими агросаноат комплексида ҳозирча вужудга келтирилган ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, куч ва маблағларни улар энг кўп самара беришини таъминловчи асосий соҳаларга жамлаш зарур. Бу вазифа чорвачиликда айниқса актуал бўлиб, шу тармоқнинг натижалари бугунги кунда озиқ-овқат масаласининг ҳал этилишини талай даражада белгилаб бермоқда. Кейинги ўн йил мобайнида бундаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўсиш суръатлари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ўстиришдан анча ошиб кетганди. Бунинг сабаби техникавий база чинакам хўжалик ҳисобини кенг кўламда жорий этмай, озуқа ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мустаҳкамланиб борганлигидадир. Коллектив пудрат ва унинг турли формалари қишлоқ меҳнатчисини ўз манфаатлари учун жон куйдиришга, унда анча яхшироқ ишлаш иштиёқини туғдиришга имкон берувчи янгича ёндашувлардир.

Озуқа ишлаб чиқаришга келганда шуни айтиш керакки, бунда қишлоқ хўжалигидаги инвестиция снёсатига синчиклаб назар ташлаш керак бўлади. Турмуш озуқа ишлаб чиқариш объектларига капитал маблағ сарфлашда афзаллик берилишини қатъий тақозо этмоқда.

Кейинги вақтларда кўрилаётган чора-тадбирлар дағал ва ширали озуқа тайёрлаш ҳажмларини кўпайтиришга ҳамда уларнинг сифатини яхшилашга ижобий таъсир қилмоқда, бу эса чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни оширишгина эмас, шу билан бирга ем учун дон сарфлашни камайтириш имконини ҳам берди.

Айни вақтда ем-хашак тайёрлашда эришилган ҳажмлар ва айниқса унинг сифати гўшт, сут ҳамда бошқа маҳсулотлар етиштиришни ўстиришда ҳамон зарур суръатларни таъминламаяпти. Кўпгина колхоз ва совхозларда аҳвол секинлик билан яхшиланмоқда. Чорва маҳсулдорлиги пастлигича қолмоқда. Бу гап айниқса Астрахань, Витебск, Калинин, Новгород, Чернигов, Иваново, Ростов областлари ҳамда бошқа баъзи областлар ва республикаларга тааллуқлидир. Уларнинг кўпчилигидаги партия комитетлари, агросаноат органлари озуқа ишлаб чиқаришдаги қолоқликка тоқат қилиб келмоқдалар. Улар кўпинча тайёрга айёрлик позициясида туриб, давлат ресурсларидан ем-хашакни ундириб олишдек яроқсиз практикани давом эттирмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг секретари республикаларда, ўлкалар ва областларда озуқа етиштиришнинг, чорвачиликни ривожлантиришнинг аҳволини анализ қилиб, асосан ҳар бир колхоз, совхоз, район ва область эга бўлган резервлар ҳисобига ем-хашак базасини мустаҳкамлаш соҳасида партия ҳамда хўжалик органлари ишининг бош йўналишларига тўхталиб ўтди.

Гап, аввало ҳайдаладиган ерларда, айниқса мелиорация қилинган ерларда озуқа экинларининг ҳосилдорлигини янада оширишни таъминлаш тўғрисида бормоқда. Кўпгина районлардаги майдонларда озуқа етиштириш экстенсив йўл билан, асосан озуқа экинлари экилган майдонларни кенгайтириш ҳисобига, уларнинг ҳосилдорлигини оширмасдан ривожлантирилмоқда.

Тахминан бир хил табиий шароитдаги қўшни областлар ва республикалар ўртасида озуқа экинлари ҳосилдорлигида катта тафовут бор. Масалан, Киров областидаги хўжаликларда озуқа экинлари экилган майдонларнинг маҳсулдорлиги Горький областидагига нисбатан қарийб 2 баравар камдир, Курск областида эса Белгород областидагига нисбатан 1,5 баравар кам, Доғистон АССРда Шимолий Осетия АССРдагига нисбатан 2,4 баравар камдир.

Табиий пичанзорлардан фойдаланишни яхшилаш заруллигига алоҳида эътибор қаратилди, шу беш йилликда дағал ва ширали озуқа етиштиришнинг планда кўзда тутилган қарийб 50 процент ўсишига табиий пичанзорлар туфайли эришиш лозим. Аммо ана шу муҳим резервдан ҳали самарасиз фойдаланилмоқда. Калуга, Рязань областларида, Қалмиқ ва Чуваш автоном республикаларида табиий пичанзорлар, яйловларни тубдан яхшилаш иши жиддий орқада қолмоқда. Ўтлоқ ва яйловларни тубдан яхшилаш юзасидан ишни кучайтириш, бу ишга колхоз ва совхозлар ҳамда мелиорация ташкилотларининг анчагина маблағини сарфлаш керак. Озуқаларнинг сифатини ошириш учун кўп иш қилиниши лозим. Озуқа тайёрлашнинг илғор технологиялари суст жорий этилмоқда.

Орёл, Смоленск, Тула, Запорожье ва Харьков областларида пичан ва бошқа озуқа омборлари кам.

Озуқаларнинг уларни тайёрлаш ва асраш жараёнидаги тўйимлилиги текширилмаяпти, бу эса кўпинча ишнинг ҳақиқий аҳволи бузиб кўрсатилишига олиб келмоқда. Шунчаки тоннатонналаб пичан ва силосгина эмас, балки таркибида протеин миқдори кўп бўлган тонналаб озуқа бирлиги зарур.

Чорвачиликни оқсил озуқаси билан таъминлаш проблемаси ўткир бўлиб турибди. Рационлар таркибида оқсил, аминокислоталар ва айниқса лизин нисбатининг бузилиши мол ва паррандаларнинг маҳсулдорлигига салбий таъсир этади, озуқанинг, айниқса ем-хашакнинг ортиқча сарфланишига олиб келади.

Бунинг учун дуккакли дон экинлари ва мой берадиган ўсимликлар, кўп йиллик ўтлар майдонларини кенгайтириш йўли билан оқсилли озуқалар етиштиришни кўпайтириб бораверишн, қайта ишлаш саноати, шуниндек микробиология синтези чиқитларидан яна ҳам тўлароқ фойдаланиш муҳимдир.

Партия комитетлари омихта ем корхоналари партия ташкилотларининг иши билан шуғулланишлари, технология интизомига риоя этилишини таъминлашга ва омихта ем сифатини оширишга алоҳида эътибор беришлари керак. Омихта емни давлат қабулидан ўтказиш вақти келди.

Озуқа базасининг муваффақиятли ривожланиши кўп жиҳатдан озуқа етиштириш ва меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор формаларини кенг кўламда жорий этишга боғлиқдир. Вазифа озуқа етиштиришни ихтисослаштиришдан, ҳар бир хўжаликда отрядлар ва бригадалар тузишдан, уларни ҳамма зарур нарсалар билан таъминлашдан, бу отряд ва бригадаларни пудрат усулига ва чинакам хўжалик ҳисобига ўтказишдан иборатдир.

Ҳамма ерда кадрларни интенсив озуқа етиштириш асосларига ўқитиш ташкил этилсин, ҳаммани ва аввало хўжаликларнинг раҳбарларн ҳамда мутахассисларини, механизаторларни ўқитиш, ўқитганда ҳам асосан пешқадам колхоз ва совхозларнинг ибрати негизида ўқитиш керак.

Хўжалик юритишнинг янги методларидан, чорвачиликни интенсивлаштиришда тармоқдаги фан-техника тараққиёти муваффақиятларидан тўлароқ фойдаланиш лозим. Озуқа етиштириш, уруғчилик ва наслчилик ишида илмий-ишлаб чиқариш системалари ва бирлашмалар ташкил этишга яна ҳам дадиллик билан киришиш лозим. Практика шўндан ишончли тарзда далолат бериб турибдики, бу илмий ечимларни ишлаб чиқаришга жорий этишнинг самарали формаларидир.

Мустаҳкам озуқа базасини яратиш билан боғлиқ бўлган масалаларни пайсалга солмай, ҳамма даражалардаги бошланғич партия ташкилотларида ва партия комитетларида кўриб чиқиш тавсия этилди.

Бу йил ҳар бир колхоз ва совхозда дағал ҳамда ширали озуқа тайёрлашни шартли чорва боши ҳисобига ўтган йилга нисбатан 4—5 центнер кўп озуқа бирлигигача етиштириш керак. Худди шундай қилинганидагина, эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш ва кейинчалик ҳам чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг юксак суръатларини таъминлаш мумкин.

Е. К. Лигачев гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини, саноат корхоналари ва ташкилотларнинг ёрдамчи қишлоқ хўжаликларини ривожлантириш масалаларига тўхталди. Ульянов, Тамбов, Николаев ва бошқа бир қанча областларда ишнинг ана шу участкасига зарур эътибор берилмаяпти.

Озуқа базасини мустаҳкамлаш билан бир қаторда чорвачиликни интенсивлаш ва унинг самарадорлигини оширишнинг бош йўлларидан бири ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ҳамда йириклаштириш, уни замонавий саноат негизига кўчиришдир. Бу борада, тажриба кўрсатиб турганидек, жуда катта имкониятлар бор. Чорвачиликни ихтисослаштириш ва йириклаштиришнинг мавжуд планларига қайтиб, бу планларга янги имкониятларни, орттирилган тажрибани, фан-техника тараққиётини ҳисобга олиб, баъзи тегишли тузатишлар киритиш ва уларни амалга ошириш йўлидан изчиллик билан бориш мақбул бўлур эди.

Бу йилги қишловда гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришда эришилган суръатларни сақлаш билан бир қаторда бу суръатларни анча жадаллаштириш керак. Йилнинг биринчи ойларидан бошлабоқ партия, совет ва хўжалик органларининг, меҳнат коллективларининг фаолияти ана шунга қаратилиши керак. Ҳозир бир қанча жойларда чорва қишлови уюшқоқлик билан ўтаётгани йўқ. Псков, Кострома, Ярославль областларининг хўжаликлари ўтган йилнинг IV кварталида шундан аввалги йилнинг ана шу давридагига нисбатан гўшт ва сут етиштиришни камайтириб юборишдилар. Бошқа областлар ва республикалардаги хўжаликларда ҳам анчагина камчиликлар бор.

Ҳозир кўкламги дала ишларига тайёргарлик алоҳида диққат-эътиборни талаб этади, фурсатни бой бермаслик, уруғлик хусусида қўшимча тадбирлар кўриш, техника ремонтини ўз вақтида якунлаш, кадрлар тайёрлаш лозим. Ҳозир КПСС Марказий Комитетининг механизаторларга мактубида ва Марказий Комитетнинг чорвадорларга мурожаатномасида қўйилган вазифаларни бажаришга уларни сафарбар этишда меҳнат коллективларида ташкилотчилик ишини кучайтириш, уларнинг меҳнат ва ишлаб чиқаришдаги шароитларини яхшилаш учун тадбирлар кўриш муҳимдир.

Социалистик мусобақани ташкил этишда унинг таъсирчанлигини оширишга ҳормай-толмай эришиш зарур. Чорва мол қишлови ва кўкламги экишга тайёргарлик масалалари маҳаллий матбуот саҳифаларида, радио ва телевидение программаларида мунтазам ёритиб борилиши керак.

Сўнгра КПСС Марказий Комитети секретари агросаноат комплекси корхоналарининг хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтиши юзасидан партия комитетлари ва хўжалик органларининг вазифалари тўғрисида тўхталди. Бу эса ҳам иқтисодий, ҳам социал аҳамиятга моликлиги, чунки миллионмиллион одамларнинг бевосита ҳаётий манфаатларига тааллуқли эканлиги таъкидланди. Шунинг учун ҳам биз агросаноат комплексида хўжалик юритишнинг янгича шароитларига ўтиш юзасидан тадбирларнинг амалга оширилишини қишлоқдаги партия комитетлари ишининг марказий йўналишларидан бири, деб қарашимиз керак.

Иқтисодий жиҳатдан заиф хўжаликлар, уларнинг молиявий аҳволи хусусида партия комитетлари ва хўжалик органлари муттасил гамхўрлик қилишлари керак. Бу хўжаликларнинг моддий базасини ривожлантириш, социал равнақи, уй-жой масаласининг ҳал этилиши, бундай хўжаликларнинг малакали кадрлар билан мустаҳкамланишини назар-эътибордан қочирмаслик айниқса муҳимдир. Рентабеллиги паст бўлган ва зарар кўриб ишлаётган ҳар бир корхонага индивидуал ёндашув зарур, тегишли ташкилий-техникавий ва иқтисодий тадбирлар комплекси ишлаб чиқилиб амалга оширилаётганида меҳнат коллективлари албатта иштирок этишлари шарт.

КПСС Марказий Комитетининг агросаноат комплекси корхоналарини тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш тўғрисидаги қарорида ана шундай хўжаликларни, жумладан, бақувват колхозлар ва совхозлар билан бирлаштириш ёки қўшиб юбориш, уларни бошқариш тузукроқ бўлиши мақсадида ажратиб олиш, ёрдамчи қишлоқ хўжаликлар бунёд этиш учун саноат корхоналари ихтиёрига бериш назарда тутилмоқда.

Партия органларининг диққат-эътибори кадрлар, ҳар бир меҳнаткашнинг психологиясини қайта қуришга қаратилиши лозим. Хўжалик юритишнинг тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш методларини жорий этишдан ўзга йўл йўқлигини уларнинг онгига сингдириш керак. Ҳар бир одам—совхоз директоридан ва колхоз раисидан бошлаб, механизатор ва сут соғувчигача — коллективнинг иқтисодий ва социал равнақи, ҳар бир кишининг шахсий фаровонлигини корхона ишининг пировард натижаларига, хўжалик ҳисоби йўли билан олинган даромад ва фойдага мустаҳкам боғлиқлигини англаб олиши муҳимдир.

Бошланган иш мураккаб юмуш бўлиб, бир кунда ёки бир йилда рўёбга чиқмайди. Шу боисдан ҳам ўзини ва одамларни узоқ вақт мобайнида зўр бериб меҳнат қилишга шайлаш, кадрларни хўжалик юритиш асосларигагина эмас, шу билан бирга унинг икир-чикирларига ҳам изчиллик билан ўргатиш лозим.

Қишлоқдаги барча ташкилотчилик ва снёсий ишни озиқ-овқат масаласини жадал ҳал этишга, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлашга қаратиш керак, деди пировардида Е. К. Лигачев. Совет кишилари қайта қуриш снёсатининг муваффақиятини худди ана шу билан боғламоқдалар.

(ТАСС).

Сотиболди Жўраев Уйчи районидаги Жданов номли колхозининг 2-бригадасида механизатор. У йигирма тўққиз йилдан бери ўз касбини ардоқлаб келмоқда. Айни пайтда хўжалик машина-трактор паркида техника воситаларини ремонт қилишда фаол қатнашаяпти. Тажрибали механизатор ўзига бириктилган культиватор ва экиш сеялкасини кўкламга ҳаммадан аввал сифатли шайлаб қўйди.

СУРАТДА: ремонтчи-механизатор Сотиболди Жўраев.

А. ЮСУФБОЕВ фотоси.

АГРОСАНОАТ АХБОРОТИ

РОМИТАН

Наримонов номли колхозда ўтган йили 47 та оилавий звено пахтачилик билан шуғулланиб, мўл хом ашё етиштирди. Хусусан Хол Жўраев бошлиқ звенода гектар ҳосилдорлиги 48,7 центнерни ташкил этди. Бунинг эвазига мўмай даромад олинди. Шунинг учун жорий йилда оилавий звенолар сони уч ҳисса кўпайди. Айни кунларда ана шу коллективларда бўлгуси ҳосилга мустаҳкам тамал қўйилаяпти. Нарзи Атоев ва Маҳмуд Воҳидов бошлиқ звеноларда шўр ювиш ниҳоясига етди.

Б. АЗИМОВ.

ПАХТАЧИ

Жорий йилда Хайрулла Равшанов бошлиқ бригада (Охунбобоев номли колхоз) азаматлари 105 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан оқ олтин етиштиришга аҳд этишган. Шу мақсадда жами майдон куздаёқ чуқур ҳайдалиб, шудгорлашдан олдин ўғитга тўйинтирилган эди. Ҳозир дала ишлари жадал бормоқда. Сув шохобчалари тозаланяпти, қўшни «Ленинчи чорвадор» совхозидан кунига 20—25 тонна қўй қийи ташиб келтирилаётир. Бугунгача 700 тонна нури жамғарилди. Унумдорлик отряди аъзолари бу кўрсаткични 1.000 тоннага етказишни мўлжаллашган.

Б. ШАМСИЕВ.

ЧОРТОҚ

Баҳор яқинлашган сайин сабзавоткорларнинг иши қайнамоқда. «Ленинизм» совхозининг Асқаралн Эшонбоев бошлиқ бригадасидан қиёс. Меҳнат аҳли ўтган йили шаҳарликлар дастурхонига 560 тонна ўрнига 756 тонна дала неъмати ҳадя этишганди. Бу йил улар 41 гектар ердан 763 тонна витаминли маҳсулот етиштириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Плёнкали майдонга сепилган кавам ва помидор уруғи бехато униб чиқди, экин парвариши бошлаб юборилди.

С. ТУРҒУНОВ.

ҚИЗИЛТЕПА

— Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси ўтадиган йилда шаҳар меҳнаткашларига 2.680 тонна узум, 650 тонна мева тортиқ қиламиз! — «Қуйимозор» совхози. нинг боғбон ва соҳибкорлари ана шу шиор остида ғайрат кўрсатишаяпти. Ток куздаёқ қирқилиб кўмиб қўйилган, қатор оралари сифатли шудгорланган эди. Айни кунларда мевали дарахтларга шакл бериш, суғориш, маҳаллий ўғит жамғариш жадал бормоқда. Бу юмушларда айниқса Шокир Раҳматов, Истам Ҳусанов, Лутфулла Раҳимов, Илҳом Ражабов, Розия Эргашева, Муҳаббат Сафаровалар бошқаларга намуна бўлишаяпти.

С. ЭГАМОВ.

Колхоз Намунавий устави лойиҳаси муҳокамада

ҲУҚУҚ ВА БУРЧ

Миразиз РЎЗМАТОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси, Тошкент область колхозлар кенгашининг раиси

«Қишлоқ ҳақиқати» газетаси редакцияси уюштирган давра суҳбатидаги имкониятдан фойдаланган ҳолда колхозлар ҳаёти ва Намунавий устав лойиҳаси хусусида баъзи мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Чиндан ҳам демократ фик масалалар колхозлар учун йилдан йилга ўткир муаммо бўлиб бораяпти. Айниқса у шаҳар теварагида жойлашган хўжаликлар учун кескин. Колхозимизда 900 хонадон бор, уларда 7 минг аҳоли истиқомат қилади. Шулардан минг киши хўжаликда ишлайди, шунча киши эса кексалик гаштини сураяпти. Аҳоли сони ҳар йили 130 нафарга ортмоқда. Булар фақат колхозимизга бевосита тегишли бўлган кишилардир. Хўжалик ва қишлоқ Совети территориясида яшайдиган, бироқ колхозга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган одамлар ҳам бор. Уларнинг сони қарийб 17 минг кишини ташкил этади, кўплари шаҳарларда ишлашади, бироқ истиқомат жойида ердан, сувдан, электрдан фойдаланадилар. Ҳолбуки, турар жойларни, газ ва электр линияларини ремонт қилиш колхознинг гарданида, маблағ унинг ҳамёнидан кетади. Ана шу масалалар тартибга солинса нур устига эзло нур бўларди.

Мана, нафақат бизнинг колхозга, балки барча хўжаликларга хос бўлган бир мисол: шундай кишилар борки, шаҳарда ишласалар-да колхозда истиқомат қилиб ундаги барча қулайликлардан баҳраманд бўладилар. Кейин эса бирови уйини сотишга жазм этади, сотади ҳам. Албатта, бунда у фақат уйнинг ўзини эмас, томорқасини ҳам пуллайди. Бинобарин, уйнинг баҳоси асосан томорқага боғлиқ: у қанчалик кенг бўлса, Уйнинг баҳоси ҳам ортаверади. Шу тариқа бир яримикки минг сўм баҳоланадиган уй 12—13 минг сўмга сотилади. Уй эгаси иморатни колхозга топширишни, яъни сотишни хаёлига ҳам келтирмайди. Чунки бу унинг учун фойдали эмас — уйнинг баҳоси арзимас-да! Шу тариқа колхозга бириктирилган ер қўлдан-қўлга ўтаверади. Гарчи томорқа бир парча бўлса-да, колхознинг ери. Чўнтагидан нақд пул тўлган ҳовлининг янги соҳиби ўзини чинакам хўжайин ҳис этади ва колхозни сира тан олмайди. Шу йўсинда колхозимизнинг 93 гектар ери «бегона»лар қўлига ўтиб қолди. Бу гарчи колхозникн бўлса-да, унга сўзи ўтмайди. Ваҳоланки, хўжалигимизда ер тақчиллиги тобора кучаймоқда.

Колхоз ерларининг ана шундай хўжасизларча тақсимланиб кетишининг олдини олиш учун Намунавий устав лойиҳасига **«Колхозчиларга тегишли уйларни сотиб олиш, сотиш фақат колхоз правлениесининг ижозати ва рухсати билан амалга оширилади»** деб ёзиб қўйишни таклиф этаман. Бундай қонда ердан фойдаланиш тартибига қатъий риоя қилинишига олиб келади, интизомни мустаҳкамлайди. Колхозга бириктирилган ер унинг мулки, уни бошқа бировларга сотишга колхоздан бошқа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, деган қонда қонун бўлиб қолиши керак.

Колхознинг янги раисини умумий йиғилишда сайлайдилар. Бироқ у бошқа лавозимга ўтадиган ёки вазифасини бажара олмаганлиги учун ишдан бўшатиладиган бўлса, негадир колхозчиларнинг фикри билан ҳисоблашилмайди. Менимча, демократия тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда ишдан олинган раис ҳам колхозчиларнинг умумий йиғилишида ҳисоб бериши зарур. Йиғилиш раҳбарнинг хато ва нуқсонларини муҳокама этгандан сўнггина лавозимдан бўшатиши мумкин. Ана шунда демократия тўла намоён бўлади. Дарҳақиқат, раҳбарни ким сайлаган бўлса, ўша бўшатади.

Ҳозирги шароитда коллектив хўжаликка тўғри раҳбарлик қилиш учун ер, техника ва бошқа воситалардан оқилона фойдаланишнинг ўзи кифоя эмас. Энг асосий нарса инсон омилидир. Шуни айтиш керакки, агросаноат комплексига раҳбарлик қилиш қайта қурилаётган бўлса-да, юқоридан келаётган буйруқлар, кўрсатмалар оқими ҳали ҳам оз эмас. Хўжалик раҳбарлари ҳамон ижро этувчи вазифасини бажаришмоқда. Илгаригидек унинг ҳуқуқлари, мустақиллиги чегаралаб қўйилган. Масалан, даромадларни тақсимлаш, колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш масалаларини олайлик. Намунавий устав лойиҳасига: **«Фойданн тақсимлашда колхозга бирмунча кенг ҳуқуқлар берилсин»,** деб ёзиб қўйиш керак. Бу эса умумий йиғилишларда хўжаликнинг иқтисодий имкониятидан келиб чиққан, молия интизомини бузмаган ҳолда колхозчиларга иш ҳақи тўлаш миқдорини белгилаш, рағбатлантириш, керак бўлганда моддий ёрдам кўрсатиш масалаларини қараб чиқиш имконини яратган бўларди.

Колхозларнинг ишлаб чиқариш фаолияти, уларнинг план топшириқларни Озиқ-овқат программасини бажаришлари кўп жиҳатдан колхозларнинг мустақиллигига, уларга бериб қўйилган ҳуқуқларга ва ана шу ҳуқуқларнинг ижросига боғлиқ.

ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленумидан

30 январь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленуми бўлиб ўтганлиги илгари хабар қилинган эди. Пленум қайта қуришга раҳбарлик юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг ҳисоботини тинглади. Шу масала юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов доклад қилди. Сўнгра ҳисобот муҳокама этила бошлади.

Сайлаб қўйилган партия органларининг ҳисоботлари ҳаммани жўшқин ҳаракатга келтирди,—деди ўз нутқида Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари **Қ. С. Саликов.**— Область комитетининг пленумида қайта қуришга раҳбарлик юзасидан обком бюроси ҳисобот берган пайтда ўзаро талабчанлик муҳити ҳукм сурди. Жиддий камчилик ва нуқсонлар очиб ташланди. Соғломлаштирувчи танқиднинг асосий қисми пировардида шахсан менга тегишли эканини англадим, бу эса жиддий фикрлаш учун асос бўлди. Обкомнинг биринчи секретари, Марказий Комитет бюросининг аъзоси сифатида мен танқиддан тегишли хулосалар чиқариб олдим.

Область партия комитети ички партиявий ишни такомиллаштириш мақсадида бир йилдан кўпроқ вақтдан буён эксперимент ўтказмоқда. Шаҳар ва район партия комитетларида иш унчалик юришмаётганини пайқаб, район, шаҳар партия комитетларининг ишини назорат қилувчи ва уларга ёрдам берувчи штатсиз инспекторлар жорий қилдик. Район бўғинининг масъул ходимларини эса конкрет партия ташкилотларига бириктириб қўйдик, бошланғич партия ташкилотларидаги ҳар бир коммунистнинг дилига қандай қилиб йўл топиш схемасини ишлаб чиқдик. Чамаси, келгусида область партия комитетида функционал бўлимлар ва секторларни қолдириб, тармоқ бўлимларини эса иқтисодий ва социал ривожланиш бўлимига бирлаштириш зарурати бор. Менинг фикримча, область партия комитетлари Марказий Комитет структурасидан нуса кўчирмасликлари керак, ҳатто вазифаларни секретарлар ўртасида тақсимлашда ҳам табақалаштирилган ёндашувни қўлланиш лозим. Бу масалани область партия комитетларининг ўзлари ҳал этадиган бўлсинлар.

Биз Марказий Комитет бюросининг бугунги ҳисоботига етиб келгунча мураккаб йўлни босиб ўтдик. Ўткир олишувда салбий ҳодисаларга қарши, ўтмишнинг сийқа усулларига, фикрдаги қолоқликка қарши, ҳафсаласизлик ва бепарволикка қарши қаттиқ курашишга тўғри келди. Афсуски, суиистеъмолларга, қўшиб ёзишларга, давлатни алдашга қарши курашнинг ўткирлиги Ўзбекистоннинг барча регионларида ҳам баб-баравар принципиаллик билан бораётгани йўқ. Доклад тезисларини пленумда муҳокама қилиш чоғида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси ўрток Кунназаров баъзи областларда эски тартибларнинг илдизлари ниқобланиб, авваргидек қарсак садолари остида ғолибона дабдабалар такрорлана бошлаганини тўғри уқтириб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг камчилиги ҳам шундан иборатки, салбий ҳодисаларга қарши кураш баъзи жойда зўр шиддат билан, баъзи жойларда эса хўжакўрсинга ўтказилмоқда. Кўпроқ дадиллик ва принципиаллик керак. Афсуски, юқори лавозимларга янгидан тайинланганлар орасида эски гуноҳлари очилмай қолган кишилар ҳам борлиги кейинчалик аниқланмоқда.

Менинг назаримда, аввало, коллегиаллик камлиги сабабли хатоларга йўл қўйилди. Бюро ишида муносиб даражада демократия ва ошкоралик бўлмади. Масалан, пленумлардаги докладларнинг лойиҳаларини муҳокама қилиш юзаки ўтказилди, шу сабали сўнгги пленумлардаги докладлар ҳам турмушдан ажралиб қолган эди.

Бундан буён докладлар, шунингдек бюро ва секретариат учун материаллар тайёрлашга Марказий Комитет аъзоларини планли равишда жалб қилишни таклиф этаман. Марказий Комитет бюроси ўзининг йўналтирувчилик, мувофиқлаштирувчилик, бирлаштирувчилик таъсирини кучайтириши лозим. Шундагина иш янги ўзан бўйлаб жўшқин пировард натижага қараб борди. Умуман айтганда Ўзбекистонда соғлом кучлар дадил суръатлар билан ўсиб бормоқда. Энг муҳими — халқ қайта қуришнинг ғалабасига ишонади, партиянинг демократияни чуқурлаштириш, туб иқтисодий ислоҳотни жорий қилиш йўлини астойдил қўллаб-қувватлайди.

Фарғона область Бағдод районидаги «Пахтакор» колхозининг раиси **А. Абдусаматов** ўз нутқини қишлоқ меҳнатчиларининг социал-маиший ва маданий шароитларини яхшилашнинг энг муҳим проблемаларига бағишлади. Ў қишлоқ посёлкаларининг бош планларини тузишга ҳамон киришмаган лойиҳа институтларининг коллективларини таҳқид қилди. Шунинг оқибатида майда қишлоқларни тугатиш асосида янги замонавий қишлоқларни барпо этиш ишида дуруст силжишга эришилмади.

Нотиқ пахта теримига четдан иш кучи жалб этишдан иборат яроқсиз одат йил сайин давом этиб келаётганига эътиборни қаратди. Мавсум бошида барча оммавий ахборот воситалари одатда теримни ўз кучи билан уддалайдиган илғор хўжаликларнинг тажрибасини тарғиб қиладилар. Аммо кейинчалик шоша-пиша илгари тузиб қўйилган графиклар қайта кўриб чиқилади, шаҳарликларни, студентларни, ўқувчиларни ҳосил теримига жалб этиш тўғрисида қарорлар қабул қилинади. Марказий Комитет бюроси ҳам бу ишда изчиллик қилмаяпти. Бултур республика Агросаноат давлат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков районимизга келиб, бир ҳафта мобайнида меҳнатга лаёқатли бутун аҳолини пахта теримига сафарбар этишни, кундалик теримни беш процентга етказишни талаб қилди. Аммо у район агросаноат бирлашмасига амалий ёрдам беришни, дала ишларини ташкил этишга оид конкрет тавсиялар беришни ўйлаб кўрмади. Мана шундай маъмуриятчилик-буйруқбозлик услуби кўпгина партия комитетларида ҳали ҳам тугатилган эмас, улар ташкилий-партиявий ишни яхшилаш ўрнига ҳали ҳам хўжалик ишлари билан шуғулланиб келмоқдалар.

Минбарга Кегайли район партия комитетининг биринчи секретари **С. Ержонов** чиқади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми қайта қуришнинг иккинчи босқичидаги ташкилотчилик, сиёсий ишнинг йўналишларини белгилаб бериши керак. Район партия ташкилотимиз ҳам анчагина ишларни бажариши лозим. Район партия комитетининг бюроси коллектив раҳбарлик принципларига амал қилиб, ўз ишининг форма ва методларини такомиллаштирмоқда: кадрларни танлашда бир нечта номзодларни кўрсатиб, раҳбарлар сайлашда ошкораликка амал қилмоқда. 1985 йилдан ўрта бўғин раҳбарларининг сайлови ўтказила бошлади.

Биз район партия комитети секретарлари ва бюро аъзолари фаолиятида ошкораликни кенгайтиришнинг яна бир формасини топдик. Уларнинг ҳар бири ўз шаънига айтилган таҳқидий мулоҳазаларни амалга ошириш хусусида нима ишлар қилгани ҳақида район газетаси саҳифаларида гапириб бермоқда, камчиликлар, қийинчиликлар, ишни кучайтириш борасида бундан буёнги тадбирлар тўғрисида ҳалол ва рўй-рост ёзмоқда. Бу иқтисодий соҳада, социал масалаларни ҳал этишда ижобий силжишларга олиб келди.

Марказий Комитет бюроси, докладдан кўриниб турганидек, давлат корхонаси тўғрисидаги қонун амал қиладиган шароитда бюро ишининг ҳам, Марказий Комитет аппарати ишининг ҳам конкрет формаларини тўла-тўкис белгилаб олишга муваффақ бўлмади.

Эндиликда ҳаётнинг ўзи, демократиялаш, ошкоралик, янги хўжалик механизмининг жорий этилиши шу қадар жиддий проблемаларни илгари сурмоқдаки, бу проблемаларни ҳал этиш учун барча даража ва бўғинлардаги партия ташкилотларидан мутлақо янгича ёндашувлар талаб этилади. Иқтисодий, социал соҳалардаги қайта қуриш жараёнларига раҳбарлик хўжалик раҳбарларининг ўрнини босишни эмас, балки уларнинг ишини йўналтириб туришни, топширилган иш учун уларнинг масъулиятини оширишга эришишни талаб этади. Афсуски, ҳамиша ҳам бунга муваффақ бўлинмаяпти. Районимизга Марказий Комитет бюросининг аъзолари ёки аппарат ходимлари келишганида план қандай бажарилаяпти, деб улар беришадиган саволни олдинданоқ билиб турамиз. Кўпинча ходимлар районга фақат текшириш ўтказиш учун келадилар, улар ички партия ишини такомиллаштириш борасида дурустроқ амалий ёрдам кўрсатмаяптилар.

Район бўғини партия комитетларининг ходимлари ва бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари ҳозир жўяли маслаҳатга, конкрет тавсияларга, илғор тажрибанинг тафсилотларининг амалда кўрсатиб берилишига айниқса муҳтож бўлиб турибдилар. Бизни ўргатиш, қайта қуриш ишига ўргатиш, асосийси эса иқтисодий ислоҳотнинг барча масалаларини уқиб олишда бизга ёрдам бериш керак, лекин қўлимизда энг яхши партия ташкилотлари тажрибаси тўғрисидаги материаллар йўқ.

Республикадаги кўпгина министрликлар, идоралар ва муассасалар, уларнинг раҳбарлари илгари бўлганидек ҳозир ҳам фақат маслаҳатгўй бўлиб қолганликлари сабабли хўжалик фаолияти соҳасига тўғридан-тўғри аралашувга қатъий барҳам бериш йўлида жиддий тўсиқлар пайдо бўлмоқда. Шунинг учун ҳам район партия комитети ўзига хос бўлмаган юмушни бажариб, маҳсулот етказиб берилишига маъсул бўлмоқда, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқа кўпгина нарсалар учун фондлар ундириш билан овора бўлмоқда.

Марказий Комитет секретари В. А. Антонов, республика Агросаноат давлат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков планлаштириш системасини бундан буён такомиллаштириш масалаларига, айниқса барқарор моддий-техника таъминотига, хўжалик механизмининг дуруст ишлаши масалаларини ҳал этишга яна ҳам принципиаллик ва талабчанлик билан ёндашишлари керак, деб ҳисоблайман.

Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида кўриб чиқилиши учун ҳамма даражаларда кадрлар ишини демократиялашнинг мукаммал системасини яратиш, бюро мажлислари, пленумлар, партия йиғилишлари ўтказиш муддатларини қайта кўриб чиқиш, бошланғич цех партия ташкилотларида ёзувчизув ишларини қисқартириш, шунингдек партия комитетларининг тармоқ бўлимларини тарқатиб юборишни тўғрисидаги масалани киритишни таклиф этаман.

Мен бугун Министрлар Совети, унинг раҳбарлари, шахсан ўз шаънимга айтилган таҳқидий мулоҳазаларга батамом қўшиламан, деди ўз нутқида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси **Ғ. Ҳ. Қодиров.** Бугун берилган баҳо ҳукумат фаолиятига бошқачароқ назар солишга мажбур этади, социал-иқтисодий тараққиётга раҳбарликда содир бўлган камчиликлар учун масъулиятни тўла ҳис этишни тақозо қилади.

Республиканинг бошқарув органларида, кўпчилик министрликлар ва идораларда ҳанузгача ҳам ташкилий жиҳатдан сусткашлик ва ташаббуссизликка барҳам берилмаган, ижрочилик етарли эмас. Министрлар Совети ва унинг Президиуми топширилган участкада зарур силжиш бўлишини таъминламаётган кишиларга нисбатан ҳамиша ҳам талабчанлик қилмаяпти.

Иқтисодий ислоҳот назарияси ва бошқарувга янгича ёндашувларни эгаллаб олиш масалалари ҳозир ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Министрлар Совети, унинг раиси, раис ўринбосарлари ишни янги поғонага кўтаришлари, 1988 йил ва беш йилликнинг шундан кейинги йилларининг масъулиятли ва мураккаб вазифаларини амалда ҳал этиш учун аниқ мақсадни кўзлаб, ғайратшижоат билан ишлашлари керак.

Марказий Комитет бюросининг бугунги ҳисоботи қайта қуришнинг жиддий имтиҳонидир. Сўнгги вақтда бюро иши ошкоралик, очиқ кўнгиллик ва инсонпарварлик вазиятида ўтаётганлигини айтиш керак.

Муҳокама қилинаётган масалалар яна ҳам талабчанлик билан таҳқидий руҳда кўриб чиқилмоқда. Аммо партиявий раҳбарлик услуби ва методларида нуқсонлар йўқ, деб айтишга ҳали эрта. Бюро, бюронинг ҳар бир аъзоси ва аъзоликка кандидати ишда янги услубларни, қайта қуриш ва жадаллаштириш вазифаларини ҳал этишга янгича ёндашувларни аниқ мақсадни кўзлаб қидириши керак.

Кўпчилигимизга хос бўлган ўз сўзини ўтказиш ва буйруқбозлик услуби одамларнинг фикр-мулоҳазасини эшитишга, уларни ишонтиришга ўрнини бўшатиб бериши, халқни иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этишга сафарбар этишимиз лозим, деб ўйлайман. Бу партия ҳаётини демократиялашга ёрдам беради.

Марказий Комитет бюроси, унинг секретарлари Министрлар Совети раҳбарларини уларнинг ишидан алахситиб, турли кенгашга камроқ чақиришлари керак. Кўпинча ҳаммамизнинг вақтимиз тиғиз. Қайта қуришга партиявий раҳбарлик, аввало, кадрлар орқали, республика олдида турган мураккаб хўжалик-сиёсий вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган кадрлар корпусини вужудга келтириш йўли билан амалга оширилади. Шундай вақтлар ҳам бўлганки, бирон бир ходимни министр ёки унинг ўринбосари лавозимига ҳатто Министрлар Советининг фикрини сўрамай тавсия этаверардилар. Ҳозир секретариатнинг амалий мажлисларида республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети раҳбарларининг иштироки билан кадрлар масаласи батафсил ва ҳар томонлама муҳокама қилинмоқда.

Илмий-техника тараққиётини кадрлар билан таъминлаш биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Энг янги прогрессив техникани эгаллаб олишга қодир бўлган малакали кадрларнинг етишмаётганлиги фан ва техника ютуқларини ўзлаштиришда катта қийинчиликлар туғдираётганлигини айтиб ўтиш керак.

Қайта қуриш шароитларида инсон омилининг активлаштирилиши алоҳида актуаллик касб этмоқда. Энг муҳим вазифалардан бири— халқ хўжалигида банд бўлган барча кишиларнинг — ишчидан тортиб министргача — ҳамманинг профессионал, техникавий ва иқтисодий билимларини оширишдан иборат. Экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш молиявий-кредит системасини ҳам қамраб олади: Агросаноат давлат комитети, Енгил саноат министрлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ва бошқа бир қанча министрлик ва идораларда молиявий иш паст савияда олиб борилмоқда. Бу ўринда Министрлар Совети зарур талабчанлик кўрсатаётгани йўқ. Министрлик ва идораларнинг раҳбарлари ўз қарамоғидаги корхоналар ва ташкилотлар молиявий аҳволини соғломлаштириш, қарамликка барҳам бериш учун лозим даражада қатъий чоралар кўрмаяптилар.

Кенг маънода маданият даражасини тубдан кўтариш зарурлиги энг муҳим социал проблемалардан биридир. Савдо, маиший хизмат, поликлиника ва касалхоналар ҳамда транспортда, аҳолига хизмат кўрсатаётган кўпчилик ташкилот ва муассасаларда маданият пастлиги хусусида одамлардан тушаётган кўплаб шикоятлар батамом адолатлидир. Ҳамма соҳада — меҳнат жараёнида ҳам, кундалик турмушда ҳам ҳали чинакам маданият етишмай турибди. Оилавий муносабатлар маданиятини ошириш ҳам катта аҳамиятга эга.

Бошқарувнинг бош схемасини амалда рўёбга чиқариш навбатдаги вазифадир. Бир қанча министрликлар, идоралар, областлар ва районлар тугатилаётган ва бирлаштирилаётган аппарат тенг ярмига қисқартирилаётган ҳозирги вақтда бошқарув органлари ишини янгича ташкил этиш вазифаси кўндаланг бўлиб турибди. Бошқарувнинг маъмурий методларидан иқтисодий методларига ўтилиши давлат аппарати ҳар бир ходимининг меҳнат характерини ўзгартиради. Бошқарувнинг барча бўғинлари аппаратини ўсиб бораётган вазифаларни билимдонлик билан ҳал этишга қодир бўлган юксак малакали ходимлар билан таъминлаш масаласи алоҳида эътиборга сазовордир.

Республика физкультура ташкилотларидаги қайта қуришнинг боришига назар солар эканмиз, қилинган ишдан қониқмаётганлигимизни қайд этишимиз лозим, деб таъкидлади Ўзбекистон ССР физкультура ва спорт давлат комитетининг раиси **М. И. Иброҳимов.** Ишлаётган кишиларнинг бетобликлари сабабли экономикага жуда катта путур етмоқда, физкультура ва спорт аҳолининг кўпчилик қисми ҳаётига сингиб кетмаган. Давлат комитети, кўнгилли спорт жамиятлари ва муассасалари оммавийлик, спорт секцияларига қизларни, айниқса маҳаллий миллатга мансуб қизларни жалб этиш масалаларини ҳал этишда кўп камчиликларга йўл қўймоқдалар. Жисмоний тарбия билан шуғулланаётган кишилар орасидан ГТО нишондорлари тайёрлашдаги ишнинг ҳақиқий аҳволини акс эттирмайдиган фактлар ва бўрттирилган рақамлар ҳали ҳам учраб турибди.

Социал соҳани ривожлантиришда янгича ёндашувларнинг активлашаётгани физкультура ҳаракатини бошқаришда туб ўзгаришлар бўлишини талаб этади. Шу мақсабат билан спорт ташкилотларининг куч ва воситалари жамланмоқда. Масалан, 6 та кўнгилли спорт жамияти ўрнига касаба союзлари ягона спорт жамияти тузилди, бир қанча спорт иншоотлари спорт комбинатларига бирлаштирилди, уларни хўжалик ҳисобига ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бошқарув структурасини такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

Республикага ҳозир 5 минг нафар олий маълумотли мутахассис зарур, ҳарбий фандан дарс бераётган ўқитувчиларнинг ярмидан кўпроғи офицерлик унвонига ва педагоглик иқтидорига эга эмас. Шунинг учун ҳам республика педагогика олий ўқув юртларидаги барча факультетлар ва жисмоний тарбия бўлинмаларини физкультура ўқитувчилари, бошланғич ҳарбий таълим муаллимлари, инструктор методистлар тайёрлайдиган ихтисослашган ягона педагогика институтига бирлаштириш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Биз идеология ишидаги камчиликлар ва хатолар ҳақида кўп гапирмоқдамиз. Ишнинг ана шу соҳасида кадрларнинг ниҳоятда қўнимсизлигига йўл қўйилмоқда. Тўрт йилдан сал кўпроқ давр мобайнида Марказий Комитетнинг идеология секретари уч марта ўзгарди, пропаганда ва агитация бўлимининг мудири беш марта ўзгарди, унинг биринчи ўринбосари тўрт марта, физкультура секторининг мудири тўрт марта ўзгарди. Бу кўп эмасмикин?

Айни вақтда ўз обрўсини тўкиб қўйган шахсларга нисбатан, топшириб қўйилган соҳада қайта қуришни таъминламаётган ходимларга нисбатан асосий равишда кўнгиллик қилинмоқда.

Марказий Комитет аппарати ходимлари ҳақида сўз борар экан, бу ерга анчагина ёшлар ишга келаётгани яхши, албатта, уларга иш ўргатиш лозим. Аммо шуни ҳам айтишни истар эдимки, бу ёшлар ўқитилаётганида уларни буйруқбозлик услубидан эҳтиёт қилиш, улар «Марказий Комитет номидан», «Марказий Комитетнинг топшириғи», «Партия билетисиз қоласиз» деган сўзларни суиистеъмол қилмасликлари керак. Бу кишилар яна ҳам сезгирроқ, меҳрибонроқ бўлишлари, турли фикр-мулоҳазаларни таққослай билишлари, ўзларини пеш қилавермасликлари керак.

Биз, ўзбекистонликлар учун, қайта қуриш якин ўтмишда республикамиз ҳаётининг социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-психологик жабҳаларига, барча областлар ва районларга путур етказган салбий ҳодисалар сабабидан мураккаблашиб кетди, деди Хоразм область ижроия комитетининг раиси **Р. Худойберганова.** Қайта қуришнинг мазмуни ва моҳияти салбий ҳодисаларни бартараф этиш билангина кифояланмаслиги ҳаммамизга аён бўлиб турибди.

Бир гуруҳ товламачилар эл-юрт бошига кулфат солиб, базми жамшид қуришгани, таъмагирлик билан социализм принципларини бузишгани, республика экономикасини барбод этишгани, одамларни таҳқир қилишгани сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш учун республика партия ташкилоти ҳали кўп иш қилиши керак. Бугунги пленум қайта қуриш йўлидаги барча ғовларни батамом олиб ташлаш учун Марказий Комитет бюросига шундай наказ бериши лозим.

Аммо партиявий раҳбарликнинг олий бўғинларигина эмас, шу билан бирга барча партия ташкилотлари, ҳар бир коммунист ҳам хулоса чиқариб олиши керак. Мен бу ўринда аввало ўз областимизни назарда тутмоқдаман. Бу ерда, албатта, қайта қуриш бўлмоқда, аммо, очиғини айтадиган бўлсак, вазият секинлик билан ўзгармоқда, айрим участкаларда эса ўзгариш мутлақо етарли эмас. Областда муттасил икки йилдан буён экин майдонларини ҳисоб-китобдан яшириб қолиш ҳоллари аниқланмоқда. Бу ахир, ўсиб ёзишнинг худди ўзи-ку. Агар илгари пахтани қўшиб ёзишган бўлса, энди гектарларни қўшиб ёзишмоқда. Барча айбдор кишилар жазоланди, албатта. Аммо бу сабоқ бизни кўп нарсаларга ўргатди.

Область маҳаллий Советлари фаолиятидаги ўзгаришлар кўнглимиздаги натижалардан ҳали анча йироқда. Юқоридан келаётган қоғозлар оқими камайиши уёқда турсин, ҳатто кўпайиб бораётганлигини яна айтишга тўғри келади. Бу область органлари аппаратини саросимага солиб, ишдан чалғитмоқда. Айни вақтда маҳаллий Советларга бериб қўйилган ҳуқуқлардан етарлича фойдаланилаётгани йўқ.

Бунинг асосий сабабларидан бири шуки, областда ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш даражасини кескин ошириш учун фақат шартшароитгина яратилган, холос. Экономиканинг таг-заминли резервлари ҳали чинакамига ишга солингани йўқ. Шуни ҳисобга олиб, областда 2000 йилгача бўлган даврда социал-иқтисодий тараққиётнинг концепцияси ва шу асосда тегишли программа ишлаб чиқилди. Бу программанинг амалга оширилиши экономика тараққиётидаги номувофиқликни бартараф этиш, областни яқин йиллар ичида ўзини ўзи таъминлаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш поғонасига кўтариш, меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилашга имкон беради.

Меҳнат ресурслари ҳақида гапирар эканман, рақамларни келтириб ўтирмайман, бу соҳадаги аҳвол ҳаммага маълум ва областимиз бундан мустасно эмас, республикада бўлганидек бизда ҳам қўли банд бўлмаган кишилар кўп. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш проблемаси шу қадар ўткирки, бу муаммо, бизнинг назаримизда, махсус кўриб чиқишга лойиқдир.

Областда ер ниҳоятда етишмай турганлигини ва ишлаб чиқаришга жалб этилмаган бўш меҳнат ресурслари тобора ортиб бораётганлигини инобатга олиб, саноат ва қишлоқ хўжалигини кенгроқ миқёсда ривожлантиришни кўзда тутиб, область партия комитети ва область ижроия комитети халқ хўжалигини бошқаришнинг бош схемаси ишлаб чиқилаётганида қўшни областларда фойдаланилмаётган ерларни бизнинг ихтиёримизга бериш тўғрисида таклиф киритдилар. Хоразмликлар учун ҳаётий муҳим бўлган бу масала тушунилиб, қўллаб-қувватланади, деб умид қиламиз.

Марказий Комитет, унинг бюроси олиб бораётган ишларга атрофлича ва танқидий баҳо берар, уни таҳлил этар эканмиз, қайта қуришга раҳбарлик ишида ижобий ўзгаришлар рўй бераётганини қайд этмай бўлмайди. Бу ўз навбатида Фарғона шаҳар партия ташкилоти амалий ишларига ҳам таъсир кўрсатмоқда, деб таъкидлади Фарғона шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **В. М. Алимов.**

Ҳозирча Фарғона шаҳар партия комитети фаолиятида ишнинг мазмунида эмас, балки кўпроқ ташқи кўринишида ўзгаришлар рўй берди. Биз бугун иш услубида жўшқинлик, сўз ва иш бирлиги, қайта қуриш ишига конкрет ҳисса қўшишда кадрларга принципиал ва қатъий талабчанлик қилиш етарли даражада қарор топди деб айта олмаймиз. Бизда ҳали ҳам эскича фикрлайдиган, сийқаси чиққан ва бир қолипдаги усулларга амал қилаётган раҳбарлар бор. Баъзилари эса умуман ҳаётнинг реал талабларидан четда туришга интилмоқдалар. Биз буни кўра била туриб, кўпинча ана шундай ношуд раҳбарларга нисбатан кузатувчи позициясини эгаллаймиз. Биз ҳали ҳам ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг оғирлик марказини бевосита қўйи партия бўғинларига, меҳнат коллективларига кўчирганимиз йўқ. Бизларни жойларда бўлишни хоҳламас экан-да, деб ўйламанг. Бизни область партия комитети ва Марказий Комитет бўлимлари қандай мақсадлар учун сўраётгани номаълум бўлган қоғозлар, справкалар, маълумотлар, ҳисоботлар тайёрлашда давом этаётган тартибсизлик жуда овора қилиб қўяяпти.

Шаҳар социал соҳаси ҳақида бир-икки оғиз гапириб ўтмоқчиман. Одамлар қайта қуриш юзасидан олиб бораётган ишимизга, социал программани қандай амалга ошираётганимизга, уларга берган ваъдаларимизни қандай бажараётганимизга қараб баҳо берадилар. Уй-жой проблемаси йиллан-йилга ўткирлашиб бормоқда. Корхоналар ва қурилиш индустриясининг модлий-техника базаси анчадан бери шаҳар эҳтиёжларига жавоб бермаяпти. Уларнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскириб қолди. Баъзилари эса ярроксиз ҳолга келган, лекин ҳали ҳам ишлатилмоқда. Биз ишларнинг бундай аҳволи учун ўз зиммамиздан масъулиятни сокит қилмоқчи эмасмиз, бироқ Қурилиш министрлигига, бошқа идораларга қилган мурожаатларимиз ҳеч қандай натижа бермади. Буни республика Министрлар Советида ҳам билишади. Темир-бетон бўюмлари заводи, уйсозлик комбинатининг санитария-техника кабиналари цехлари реконструкцияси кўп йиллардан бери тугатилмаяпти. Бунинг оқибатида корхоналарда давлат қабули жорий этишнинг январь ойи плани бутунлай барбод қилинди. Марказий Комитет секретари В. Н. Лобко бу объектларда икки марта бўлди, рўй берган аҳволни ўрганишга, ёрдам беришга, министр А. Г. Мананниковдан қаттиқ талаб қилишга ваъда берди. Лекин бу масалалар ҳалигача жойидан жилгани йўқ.

Шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи очиқлигича қолмоқда. Шаҳарликлар керак бўлган вақтда қишлоқ аҳолисига ёрдам беришади. Ўтган йили пахта терими мавсумида улар 16 минг тоннадан кўпроқ пахта терди. Очиғини айтганда, бу оқлаб бўладиган ҳол эмас. Хўш, агросаноатимиз бунинг эвазига шаҳар меҳнаткашларига нима берди? У ўз ваъдасининг устидан чиқмади— шаҳарликларга ҳеч қандай янги сабзавотлар, мева-чевалар етказиб бермади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари В. А. Антонов ва республика Агросаноат давлат комитети раиси И. Ҳ. Жўрабеков бу масалаларга лоқайд қарамасликлари керак.

Шаҳардаги мураккаб экологик вазият ҳақида бир-икки оғиз гапириб ўтмоқчиман. Фарғона шаҳрини ўраб турган ҳаво ҳавзаси ҳақида СССР Министрлар Совети бир неча марта ҳужжат қабул қилди. Республика Министрлар Совети раиси Ғ. Ҳ. Қодиров эса Фарғона шаҳрида янги химия корхоналари қурилишига рухсат берувчи ҳужжатга имзо чекиб юборди.

Шаҳар партия активлари топшириғига биноан бизнинг назаримизда Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси муҳокамасига қўйилиши зарур бўлган қатор таклифларни киритмоқчиман.

Биринчидан, КПСС Уставида сайлаб қўйиладиган орган аъзосининг, бошланғич ва цех партия ташкилотларининг асосий ишидан бўшатилмаган секретарлари статусини белгилаб қўйиш керак.

Иккинчидан, ҳамма даражадаги пленумларни ярим йилда бир марта, шаҳар партия ташкилотлари ҳисоботсайлов конференцияларини эса беш йилда бир марта, шу пленумлар ва конференциялар ўртасида бюро ҳисоботларини ўтказиб туриш керак.

Яна бир таклиф. Партия комитетларига ажратилган маблағлар лимити доирасида партия комитетлари аппарати структурасини белгилаш ҳуқуқини уларнинг ўзига бериш лозим.

Марказий Комитет бюросининг қайта қуришга раҳбарлик юзасидан олиб борган ишини етарли эмас, деб ҳисоблайман.

Область, шаҳар ва район партия комитетларининг ўзлари сайлаб қўйган органлар қайта қуришга қандай раҳбарлик қилаётганликлари тўғрисидаги ҳисоботларини муҳокама қилган пленумлари идеология ишидаги туб бурилиш жараёни мураккаб, баъзан эса зиддиятли ўтаётганини кўрсатди, деди Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **М. Ҳ. Холмуҳамедов.** Партия комитетлари бюро аъзоларининг, биринчи секретарларининг доклад ҳамда нутқлари уларнинг кўпчилиги идеология ишига ёндашувлардаги анча аввал бошланган нуқсалар асосидаги сийқа схемаларни ҳали ҳам бартараф эта олмаганликларидан далолат берди.

Партия комитетлари, идеология муассасалари ҳали теварак-атрофдаги воқеликда рўй бераётган ўзгаришлар кетидан улгуриб бора олмаяптилар, янги вазифаларни эски, умри тугаган воситалар, шакллар ва усуллар билан ҳал этишга уринмоқдалар. Бу гап амалда идеология ишининг ҳамма йўналишларига — ғоявий-сиёсий, ахлоқий тарбия, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик руҳидаги тарбия, интернационал, эстетик ва жисмоний тарбияга тааллуқлидир.

Кўпгина партия комитетлари атеистик тарбия умрининг яшаб бўлган, диний расм-русмлар ва анъаналар ислом динининг таъсири каби бизнинг партия ташкилотимиз учун бениҳоя ўткир бўлган мураккаб, нозик масалаларга нисбатан сусткашлик қилмоқдалар. Республика Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги бу муаммолардан четда қолди.

Бошқа ҳар қандай партиявий фаолият каби идеология ишининг ҳолати ҳам кўп жиҳатдан партия комитетлари биринчи секретарларининг бу ишга муносабатига, жараённи тушуниш кенглигига, ниҳоят инсоннинг эҳтиёжларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бироқ партия раҳбари ҳозир аввало тарбиячи эканини кўпгина секретарлар чамаси ҳали ҳам охиригача тушуниб етмаганликлари сир эмас.

Биз идеология кадрлари билан ишлашдаги турғунликдан ҳозир зўр қийинчилик билан чиқиб олаяпмиз. Бу муаммони биргалги ҳаракат билан, дарҳол ҳал этиш реал иш эмас, шошмашошарлик, кадрларни ҳадеб алмаштиравериш яхшиликка олиб борлиги ва жуда яқин ўтмишнинг сабоқлари кўрсатиб турибди. Масалан, бу ерда айтиб ўтилганидек, ўрток Д. Т. Мадикаримованинг Марказий Комитет маданият бўлими мудири лавозимига тайинланиши ўйланмай қилинган иш бўлганлиги шубҳасиз. Унинг ишидаги ўқувсизлик, маъмуриятчилик усуллари қолдиғи ҳали ҳам республика партия ташкилотимиз Марказий Комитетининг обрўсига салбий таъсир қилиб келмоқда. Республика Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети, Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети, Маданият министрлиги, «Главинтурист» ва бошқа бир қанча идеология муассасаларимиз хусусида ҳам шундай мисолларни айтиб бериш мумкин. Область партия комитетларида ҳам кадрларни шошмашошарлик билан алмаштириш иллати сезилди.

Ҳозирги вақтда Марказий Комитет секретариати республика идеология корпусини мустаҳкамлаш билан яқиндан шуғулланмоқда, бу соҳада партия қурилиши билимларигагина эмас, шу билан бирга кенг кўламда фикрлайдиган, сергайрат, билимдон, зеҳнли кишилар, заковатли ва зиёли кишилар биринчи ўринга чиқарилмоқда. Раҳбар кадрларнинг, барча меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқувини қайта қуриш муаммоси ҳам шу масала билан узвий равишда боғлаб олиб борилмоқда.

Бу ўзгаришлар осонлик билан бўлаётгани йўқ. Турғунлик муҳити ҳозирча ижодий союзларда, театрларда, редакцияларда, концерт ташкилотларида ачинарли равишда ўзини сездириб турибди. Маданият арбобларининг анчагина қисми шахсий манфаатларини жамоат манфаатларидан устун қўйиш билан шуғулланиб юрибди.

Бир қанча ҳолларда, масалан, Кинематографячилар союзи билан Ёзувчилар союзида ўтган йиллар мобайнида йиғилиб қолган чекланганлик, ўз манфаатини кўзлаш, индивидуализм кўринишлари юзага қалқиб чиқмоқда.

Айрим мақолаларда миллатчилик иллатлари намоён бўлиб қолаётганлигини ҳам кўрмаслигимиз мумкин эмас. Миллий туйғуларнинг қонуниятли ўсиши баъзида ҳудбинлик, эришилган натижаларга мақлиё бўлиш тусини олмоқда.

Қайта қуришнинг муваффақияти бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти билан ҳал қилувчи даражада белгиланади. Марказий Комитет жумладан, зиёлилар билан сиёсий ва мафкуравий иш олиб бориш учун уларнинг масъулиятини оширишга интилмоқда. Бироқ идеология муассасалари ва биринчи галда ижодий, бадиий коллективлар партия ташкилотларининг ҳозирги аҳволи ташвишланарлидир. Улар сезиларли равишда қариб қолмоқда. Партиялилар қатлами йил сайин қисқармоқда. Тошкент шаҳар партия комитети, район партия комитетлари ижодкор зиёлиларнинг партиявий ўзагини мустаҳкамлаш ишидан аслида ўзларини четга олиб турибдилар.

Идеология муассасаларининг моддий базаси ҳақида икки оғиз гапирмоқчиман. Кейинги вақтларда бу базани мустаҳкамлаш юзас

ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛИ

(Боши 2-бетда).

Ушбу пленумга тайёргарлик кўриш пайтида, деди Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари **В. П. Анишчев**, Марказий Комитет анчагина турли саволлар, мулоҳазалар, истаклар ва таклифлар олди. Улар кўп, биз уларнинг мағзини чақамиз, қайта ишлаймиз, ўз амалий фаолиятимизда ҳисобга олишга ҳаракат қиламиз.

Баъзи масалаларга тўхталиб ўтиш зарур. Масалан, танқид масалаларида овозни сал пасайтириш пайти келмадими, ҳар ҳолда ижобий жиҳатларни қидириб кўриш, танқидни бир оз тўхтатиш пайти келмадими, нуқул ёмон ишлар ҳақида гапиравериш бас қилиш керак, буларнинг ҳаммаси кишини хафа қилиб, ранжитади, деган овозлар эшитилди. Аммо гап шундаки, муаммолар ҳаддан ташқари кўп йиғилиб қолганлиги сабабли, улар юзасидан қарор қабул қилиб улгуролмаяпмиз, уларни ҳал этишга улгуролмаяпмиз.

Агар биз қатъий, конкрет қарши чораларни кўрмасак, бу муаммолар ҳал бўлмай қолавериши мумкин. Ижтимоий тараққиётнинг қийин муаммоларини ошкора ўртага қўйиб ҳал этишдан, уларни танқид қилишдан, баҳслашишдан қўрқмаслик керак.

Докладни муҳокама қилиш чоғидаги ва пленумга тайёргарлик кўриш вақтидаги бир қанча мулоҳазаларда қилинган ишлар билан қандайдир қаноатланиш кайфияти сезилиб турибди. Таъбир жоиз бўлса, шахсий камчиликларга муросасозлик билан қараш, раҳбарлар билан, бир-бирлари билан муносабатларни кескинлаштирмаслик истаги яққол сезилиб турибди. Хатто активларимизнинг муайян ва анча катта қисмида ҳаётий қадриятлар системасида осойишталик биринчи ўринда турибди, бундай осойишталик баъзан ўз аҳамияти жиҳатидан шахснинг социал активлигидан ошиб тушмоқда, деган таассурот туғилмоқда.

Мен шу мулоҳазалар муносабати билан шундай бир нозик масалага тўхталмоқчиман. Ўзбекистонда ёрдамга юборилган 400 киши бор. Бизни, шу жумладан мени ҳам республикага ишлаш учун юборганлар. Бирон-бир раҳбар билан принципиал мавзуда гаплашиб олганимизда, сизлар кетиб қоласизлар, биз бўлсак шу ерда қолиб ишлаймиз, деган фикр эшитилади.

Масалаларни принципиал тарзда қўйишга жавобан номаълум кишиларнинг қўнғироқлари ва дўқлари ҳам эшитилаётганини яширмайман. Хўш, нега шундай, нега? Мен республикада ишлай бошлаганимга икки йилдан ошди. Конкрет соҳалар учун жавоб бераман ва савдодаги аҳвол ёмонлигини, маиший хизматдаги аҳвол ҳам ёмонлигини, маъмурий органлар ишидаги аҳвол ҳам ёмонлигини кўриб турибман. Мен шу соҳалардаги камчиликларни ва бугун айтилган танқидий мулоҳазаларни партиявий руҳда идрок этаман. Биз бир-биримизга кўнгилсиз гапларни юзхотир қилмай айтишимиз керак ва бундан бошқа илож ҳам йўқ. Муносабатларни бузишга тўғри келади.

Мен республикадаги ҳамма муаммоларни такрорламоқчи эмасман, бироқ бугун ҳаммамизни ташвишлантирадиган баъзи жиҳатлар борки, улар ҳақида гапирмоқ керак. Уй-жойга бўлган эҳтиёжларни қондириш жиҳатидан республика мамлакатда 13-ўринда турибди; мактабгача тарбия муассасалари билан таъминланиш жиҳатидан 11-ўринда, аҳолига пулли маиший хизматлар кўрсатиш жиҳатидан охирги ўринда турибди, ҳар минг аҳолига тўғри келадиган врачларнинг сони жиҳатидан республика умумиттифоқ даражасидан 20 процент орқада қолмоқда. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар каби моддий фаровонликнинг умумлашма кўрсаткичи мамлакатдаги ўртача даражадан икки баравар паст.

Бу ҳақда индамай туриб бўлмайди, ишчанликнинг, ҳақиқий ишчанликнинг йўқлиги, секунд сайин, минут сайин конкрет иш билан шуғулланиш ҳақиқий иштиёқи йўқлиги иш услубимиздаги катта камчиликлардан биридир.

Хўш, бу ҳол нималарда кўринади? Шунда кўринадики, бизнинг партия активларимиз ўз нутқларида, докладларида илтимосларни қалаштириб ташлайдилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ҳамма соҳада ишчанлик бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Биз нутқ сўзлаётганимизда ҳам, таҳлил этаётганимизда ҳам, танқид қилаётганимизда ҳам, конкрет иш билан шуғулланаётганимизда ҳам шундай бўлиши лозим. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг ишида ҳам шу нарса етишмаяпти. Биз кўпдан-кўп қарорлар қабул қилаяпмиз, аммо уларнинг ижросини яхши кузатиб бораётганимиз йўқ. Республиканинг бошқа раҳбар органлари ҳам шундай камчиликка йўл қўймоқдалар.

Шундай фактларни айтиб бермоқчиман. Республика Министрлар Советининг Президиуми ўтган йили агросаноат комплекси масалаларини 68 марта, социал соҳа масалаларини 49 марта, иқтисодий ислоҳотни бошқаришни такомиллаштириш масалаларини 58 марта, фан-техника тараққиёти масалаларини 11 марта муҳокама қилди. 1986—1987 йиллар мобайнида умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш асосий йўналишларини амалга ошириш масалалари Министрлар Советида, махсус республика комиссиясининг мажлисларида 14 марта муҳокама қилинди. Биз шу қарорларни ёмон назорат қилаётганимиз оқибатида муҳокама қилинган масалалар соҳасидаги ишлар ҳаддан ташқари ёмон силжимоқда.

Ана шуларнинг ҳаммаси Марказий Комитет бюросидан, секретарларидан, аппаратидан, барча коммунист раҳбарлардан аниқ мақсадни кўзлаб, активроқ ишлашни, шахсий масъулиятни оширишни талаб қилади. Шу сабабли ишчанлик, демократизм, уюшқоқлик, интизом ишимизда кўпроқ бўлиши керак, шундай қилиш кераклиги шубҳасиз. Биз хотиржамлик ва бегамликни бартараф этиш йўли билангина ишни ўнглаб олишимиз, олдимизда турган вазифаларни ҳал этилишини таъминлашимиз, Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини муносиб кутиб олишимиз мумкин.

Поп район партия комитетининг биринчи секретари **М. Абдуллаев** ўз нутқида Марказий Комитет бюросининг район партия ишкилотлари фаолиятига раҳбарлигига тўхталди. Район партия комитетлари қайта қуриш фронтининг олдинги марраларида турибдилар ва қайта қуришдаги асосий юмуш уларнинг зиммасига тушмоқда.

Эндиликда район партия комитетлари бошланғич партия ташкилотлари билан бирга ликда қайта қуришнинг боришини кўрсатиб турувчи ўзига хос барометрга айланмоқдалар. Одамлар шунга қараб сўз ва ишнинг бирлиги тўғрисида ҳукм чиқарадилар, партия сиёсатининг амалга оширилиш даражасини белгилайдилар. Буларнинг ҳаммаси район партия комитетларини Марказий Комитет бюроси аъзолари билан бир қаторда республика Министрлар Советининг раҳбарлари, тегишли министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари зарурлигини тақозо этади. Район партия комитети юқоридаги органлар ҳукмига ҳавола этган ҳар бир масала синчковлик билан ўрганилиши лозим. Аслида қандай бўлмоқда? Биз ҳозир бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш мақсадида кундалик ишимизни меҳнат коллективларига кўчирдик, улар билан учрашаётган кезларимизда, ҳозирги қайта қуриш ва демократиялаш шароитларида ҳар бир коммунист, ҳар бир меҳнаткашнинг сиёсий руҳи тетиклигини, куч-ғайрати қулф уриб турганлигини сезиб турибмиз. Улар одатдагидек турли масалаларни кўтариб чиқмоқдалар.

Масалан, «Чодак» ва «Чоркесар» қўйчилик-эчкичилик совхозларининг коммунистлари район партия комитети раҳбарлари билан учрашув чоғида ҳар йили етиштирилаётган эчки тивитини ўз ихтиёрларида қайта ишлаш учун қолдириш тўғрисидаги ўткир масалани ўртага қўйдилар. Ҳозир бу тивит Госплан нарядларига кўра ишлаб чиқаришнинг юксак даражадаги рентабеллигини таъминламайдиган нархлар билан республикадан нарига жўнатилмоқда. Ёки яна бир бошқа мисолни олайлик: Чоркесар карьерининг коммунистлари тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётган ва фойдаланилмаётган гранит харсанглардан гранит плиталар тайёрлашни йўлга қўйиш масаласини кўндаланг қилиб қўйдилар. Поп даги Ленин номли собиқ бирлашмадан «мерос» бўлиб қолган тугалланмаган объектларни охирига етказиш-етказмаслик ва оғир молиявий аҳвол хусусида ҳам масалалар кўтарилган эди. Бу проблемалар алдақачон республика Агросаноат давлат комитети, Биноқорлик материаллари саноати министрлиги, Госплан ва республика Министрлар Совети олдига қўйилган эди. Аммо ҳанузгача ҳам бу масалалар ҳал этилгани йўқ. Эндиликда эса район партия комитети ана шу партия ташкилотларининг коммунистлари олдида оғир аҳволда қолди, ҳал бўлмаган масалалар хусусида уларга нима ҳам дея олар эдик.

Районимизда зарар кўриб ишлаётган хўжаликлар йўқ, шу йилдан бошлаб уларнинг ҳаммаси тўла хўжалик ҳисобига, ўз ҳаражатларини ўзи қоплашга, ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтди. Бу борада ҳам биз республика Агросаноат давлат комитетининг ва тегишли илмий-тадқиқот институтларининг амалий ёрдамига муҳтожмиз. Биз уларнинг кўпчилигига хўжалик шартномаси асосида илмий-амалий ёрдам кўрсатишни сўраб, расмий тарзда мурожаат қилдик.

Ҳаёт шошилинч ҳал этилиши талаб қилинаётган янги-янги масалаларни кун тартибига қўймоқда. Шу боисдан ҳам мен эркин фикрлашиб олиш, етилган масалаларни муҳокама қилиш учун район партия комитетларининг секретарларини вақтиваҳти билан Марказий Комитетга таклиф этиш ва областларда Марказий Комитет бюросининг аъзолари билан учрашувлар ўтказиш фойдали бўлур эди, деб ҳисоблайман. Бу учрашувларда секретарлар айтадиган гаплар ҳам, фикрлашиб олишга арзийдиган масалалар ҳам бор, деб ўйлайман. Шундай қилсак, район партия комитети ва Марказий Комитет бюроси аъзолари, Марказий Комитет аппарати ўртасидаги алоқалар яхшиланган, бундан қайта қуриш иши наф кўрган бўлур эди.

Марказий Комитет бюросининг аъзоси ва область партия комитетининг биринчи секретари сифатида шуни рўй-рост тан олишим керакки, қайта қуришда область партия ташкилотини олдинги марраларга чиқаришга ҳали мен муваффақ бўлмадим, деди Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **Т. А. Алимов**. Тошкент областининг республикада энг йирик, етакчи область бўлишдек мавқега тўла-тўкис эришиш ҳали бизнинг қўлимиздан келгани йўқ. Коммунистлар область партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида бу ҳақда рўй-рост ва талабчанлик билан гапирдилар. Иқтисодий ислоҳот катта қийинчиликлар билан амалга оширилмоқда. Социал масалаларни ҳал этишда қолдиқ принципига барҳам берилмаган. Демократиялаш, ошкораликнинг каттагина потенциали журъатсизлик билан ишга солинмоқда. Бир қанча партия комитетлари, ташкилотлари, кўпчилик коммунистларнинг жанговарлиги етарли бўлмаётгани аниқ кўриниб турибди.

Кадрлар билан ишлашни кучайтиришда изчил, бош йўлга ҳамиша ҳам амал қилинаётгани, йўқ. Кадрлар корпусининг анча янгиланганлиги, номенклатурага кирадиган 300 дан кўпроқ ходимнинг алмаштирилганлигига қарамай, ҳозиргача ҳам областдаги вазиятни за, рур даражада соғломлаштиришга эришилмади.

Бир томондан, янги кадрлар танлашда биз йўл қўйган хатолар ҳам анча таъсир этди, бу Оҳангарон район партия комитети ва Ангрен шаҳар партия комитетининг биринчи секретарлари мисолида ҳам кўриниб турибди, биз уларни иккинчи бор алмаштиришга мажбур бўлдик. Иккинчи томондан эса, ўз обрўсини тўкиб қўйган анчагина раҳбарлар бизнинг ,тўғридан-тўғри йўл қўйиб беришимиз оқибатида бошқарувнинг юқори погоналаридан ўрта погоналарига ўтдилар ва илгариги методлар билан ҳаракат қилишни давом эттириб, қайта қуришга тўғаноқ бўлмоқдалар.

Биз область партия комитетининг собиқ биринчи секретари Мусахоновни оғиздагина фош этиб, унга ўз вақтида чинакам партиявий талаб қўймаганлигимизни сиёсий журъатнинг, принципиалликнинг йўқлиги билангина изоҳлаш мумкин. Бу яккаягона факт эмаслигини тан олиш керак. Менга юксак ишонч билдирилган, бу менинг зиммамга нималар бўлгану, ва нималар бўлаётгани юзасидан икки томонлама масъулият юклайди.

Бундан фақат битта хулоса чиқариш мумкин. Биз чала-ярим ҳақиқат ва пала-партиш тадбирлар тазйиқидан халос бўлиб, янгиланиш йўлидан охиригача боришимиз керак.

Қайта қуриш республика ва областда дуч келаётган оғриқли жараёнлар сабабларини таҳлил этар экан-миз, сўз билан иш ўртасидаги узилиш тараққиёт йўлидаги тўғаноқларнинг яшовчанлигини келтириб чиқараётганлигини аён кўрамиз. Аслида барча долзарб масалалар юзасидан яхши қарорлар қабул қилинар, конкрет тадбирлар белгиланар, аммо булар кўпинча қарорларнинг ижросини ташкил этиш ва ижрони назорат қилиш билан қўшиб олиб борилмас эди.

Битта мисолни айтиб ўтаман. Интернационал, ватанпарварлик ва атеистик тарбия проблемалари, кам сонли миллатларга мансуб бўлган кишилар билан иш олиб бориш лозимлиги айниқса бизнинг регионимиз учун актуал масалалар эканлиги сир эмас. Бу борада анчагина чигалликлар бор. Табиийки бундан бир йилдан кўпроқ вақт муқаддам КПСС Марказий Комитети ана шу масалаларга эътиборимизни қаратган эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети даражасида конкрет ишлар программаси зарурлиги аён эди.

Марказий Комитет бюросининг топшириғига кўра комиссиялар тузилди, бюро аъзоси сифатида ана шу комиссиялар составига мен ҳам кирдим. Вазият таҳлил этилди, конкрет таклифлар тайёрланди. Улар муҳокама қилинди, аммо шундан кейинги иш силжимай қолди. Таклифлар Марказий Комитет бўлимларида турибди. Проблемалар мавжуд эди ва ҳозир ҳам бор. Бугунги умумий ишимизга путур етказаётган сусткашлик ва сансалорлик мутлақо тушунарли эмас.

Ёки бошқа бир мисолни олайлик. Агросаноат комплексида, айниқса пахтачиликда анчагина қийинчиликлар тўпланиб қолди. Бу кўп жиҳатдан илмий фаолият кам самара бераётганлиги, тарқоқлик, идоравий тўсиқлар билан изоҳланади. Бундан икки йилча муқаддам Марказий Комитет бюроси «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ишидаги жиддий нуқсонларни очиб ташлаган эди. Бош директор Имомалиев вазифасидан озод қилинган ва партиявий жазо олган эди. Ишни ўнглаб олиш учун тадбирлар белгиланган эди. Аммо ҳозир ҳам ўзгаришлар бўлмади. Пахтанинг янги навлари йўқ эди, ҳозир ҳам йўқ. Бунинг учун илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига ҳанузгача ҳам янги бош директор тайинланмаган. Биз бир неча бор тегишли таклифлар киритган эдик, аммо улар Марказий Комитет секретариатида ҳал бўлмай қолиб кетаверди. Афсуски, бу якка-ягона факт эмас.

Бизнинг фаолиятимизга ҳали ҳам раҳбарликнинг сиёсий методларига, кадрлар танлашга, топ ш и р и л г а н участкада қайта қуриш учун кадрларга талабчанликни оширишга путур етказиб, хўжалик масалаларига берилиб кетиш ҳос бўлиб турибди. Чамаси, Агросаноат давлат комитети, Министрлар Совети фаолиятидаги бюрократик асоратлар, маъмурий-тазйиқ методлари кўп жиҳатдан шу билан изоҳланиши керакдир.

Ўтмиш ақидалари, иш устидаги фикрлашдаги расмиятчилик қайта қуришнинг асосий душманларидан биридир. Бу идеология соҳасида айниқса яққолроқ кўринмоқда. Маданият соҳасига, тарбиявий жараённинг энг муҳим омилларидан бўлган оммавий ахборот воситаларига Марказий Комитет бюроси яна ҳам кўпроқ диққат-эътибор бериши талаб этилади. Бугун адибларимиз, маданият арбобларимиз ва журналистларимизга жиддий таъна қилиш ўринли бўлади. Республикада қўшиб ёзиш, қўзбўямачилик, ўтакетган бюрократизм авж олиб кетган, реал ютуқлари эмас, балки қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик нуфузи ортиб кетган йилларда улар сохта қаҳрамонларни улуғлаб ва ёлғон ютуқларни мақтаб, марказий газета ва журналлар саҳифаларида фаоллик кўрсатган эдилар. Ҳозир уларнинг кўпчилиги ноҳуш ҳодисаларни пайқамаётгандек жим юришибди. Бунинг ўрнига бугун республика матбуотида маънавий қадриятларимизни емиришга, даъват баён этилиб, тўқиб чиқилган проблемалар хусусидаги мақолалар пайдо бўлмоқда. Марказий матбуот, унинг мухбирлари шарофати билангина халқимиз республикадаги ҳақиқий аҳволдан бохабар бўлмоқда.

Агар биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг КПСС XXVII съездидан кейинги даврдаги фаолияти тўғрисида умуман гапирадиган бўлсак шуни рўй-рост тан олиш керакки, ҳали мазкур фаолият қайта қуришнинг бугунги талабларига тўла-тўкис жавоб бермайди. Бу галги пленум бу борада биз учун бурилиш пленуми бўлиши керак. Ишни анча жадаллаштириш мумкин ва лозим. Бунинг учун куч ва воситалар бор , деб ўйлаймиз.

Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони, генерал-полковник **Н. И. Попов** ёшларни мамлакат Қуролли Кучларида хизмат қилишга тайёрлаш масалаларига тўхталди, бу ишда мунтазамлик ва аниқ мақсадни кўзлаш кўпроқ бўлиб қолди. Ҳарбий комиссариатларнинг Наманган, Фарғона ва Тошкент областларидаги маҳаллий партия ва совет органлари билан ўзаро алоқалари яна ҳам мустаҳкамроқ ва самаралироқ бўлмоқда.

1987 йил натижаларига кўра, армияга чақирилувчиларнинг умумтаълим даражаси бирмунча ошди. Улар орасида комсомол аъзолари кўпроқ, аммо мавжуд ижобий силжишларга қарамай, бу ишда туб бурилиш содир бўлгани йўқ.

1987 йил натижаларига кўра, Ўзбекистон ССРда армия сафларига чақиридувчиларнинг бир қисми амалда рус тилини билмайди, ёки рус тилидан ниҳоятда нўноқ, чақирилувчиларнинг 70 проценти фақат қоғоздагина ГТО нишондорлари ва разрядли спортчилардир. Ёшларнинг армияга чақирилиши олдидан ўтказилаётган иш билан, ҳарбий ватанпарварлик тарбияси билан республиканинг кўпгина органлари ва ташкилотлари шуғулланаётган бўлса ҳам, аммо бу соҳадаги иш сифати кўнгилдагидек эмас.

Ахир армия — бу ўзига хос давлат қабули бўлиб, ҳеч кимни алдаб бўлмайди, қоғозларни ҳам, «бўрттирилган» рақамларни ҳам рўкач қилиб бўлмайди, армияга чақирилувчига, унинг маънавий, психологик ва жисмоний тайёргарлигига катта талаблар қўйилади.

Ёшларни армия хизматига тайёрлашни медицина жиҳатидан таъминлашда ҳам жиддий камчиликлар мавжуд бўлиб турибди. Бу ҳақда турли даражаларда гапирилган эди, Соғлиқни сақлаш министрлиги ва шахсан ўртоқ Баҳромовнинг диққат-эътибори шунга қаратилган эди. Аммо жиддий силжишлар бўлмади.

Ёшларнинг қаҳрамонона—ватанпарварлик тарбиясини сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман. 1988 йилда нишонланадиган Совет Қуролли Кучларининг ва Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг 70 йиллиги бу ишни активлаштириш учун катта имкониятлар беради.

Афғонистонда жанговар сабоқ олган, сабот-матонат ва гражданлик етуклигининг жиддий имтиҳонидан ўтган жангчи - интернационалистларни қаҳрамонона-ватанпарварлик тарбиясига кенгроқ жалб этиш лозим.

Ёшларни армия хизматига тайёрлашда республикадаги бошланғич ҳарбий тайёргарлик, унинг ташкил этилиши ва сифати заиф бўғин бўлиб турибди. Бунинг асосий сабаби шундаки, бундай тайёргарликни ташкил этишда ишбоши бўлган ҳарбий таълим муаллимлари билан ишлаш сусайиб кетган.

Ўқув юртларининг ўқув-моддий базаси жиддий тарзда яхшиланмас экан, бошланғич ҳарбий таълимнинг самараси ошмай қолаверади. Бу гап мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, техникумлар, ДОСААФнинг ўқув ташкилотлар, ўқув пунктларига тааллуқлидир. Афсуски, бу борада ҳам биз зарур талабларнинг бажарилишидан анча орқадамиз.

ДОСААФнинг, ҳунар-техника таълимининг марказий ва область комитетлари ҳам Қуролли Кучлар учун мутахассислар тайёрлашни тубдан яхшилаш соҳасидаги ўз ишларини қайта қурмадилар. Бу борада хўжакўрсинлик, дабдабабозлик кўп бўлиб, иш камдир, ДОСААФ мактабларининг ўқув-моддий базасини ташкил этиш тўғрисидаги қарорларнинг бажарилиши яхши назорат қилинмаяпти.

Марғилондаги «Атлас» аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси **М. У. Каримова** пленум қатнашчиларига цех партия бюросининг қайта қуришга оид иши ҳақидаги ҳисоботи қандай ўтганлигини гапириб берди. У ана шу цех партия ташкилоти ҳисобида туради. Ҳисобот йиғилишида цех бошлиғи сўз билан иш бирлигига риоя этмаётганлиги, иш жойларида кам бўлаётганлиги, кўпинча кераксиз йиғилишлар ўтказаётганлиги, кўпдан-кўп масалаларни жамоат ташкилотлари ва коллектив аъзолари қатнашувисиз ўзи шахсан ҳал қилаётганлиги учун юзхотирсиз принципиал танқид қилинди.

Бу йиғилишда энди биз эскича яшай олмаслигимизга астойдил ишонч ҳосил қилдим, деди М. У. Каримова. Чунки қайта қуриш ҳар биримизга даҳлдордир. Бундай ошкора ва принципиал гаплашиб олиш бизда илгари бўлмаган эди. Демак, коммунистлар ташаббусини авж олдиришга узоқ вақтдан бери ҳалақит бериб келган тўсиқлар секин-аста йўқотиларяпти.

Коллективимиз янгича шароитларда ишлаётганига бир йилдан ошди. Қизиғи шундаки, ҳар бир кишининг меҳнат умумий якунига бўлган қизиқиши сезилдари даражада ортди. 1987 йил бошларида иккита ишлаб чиқариш участкасида ҳамма ишларни ўзи бажарадиган бригада ташкил этилган эди. Натижада сменани қабул қилиб олиш ва уни топшириш масъулияти кучайди, бригада кенгаши кўпгина ишлаб чиқариш ва социал масалаларни мустақил ҳал эта бошлади, меҳнат унумдорлиги кескин кўпайди, ишга келмаслик натижасида дастгоҳларнинг тўхтаб қолиш ҳоллари камайди, бироқ бугун тўғрисини айтиш керакки, ҳамма ишлар ҳам биз хоҳлаганимиздек бўлмаяпти.

Ишлаб чиқаришни жадаллаштириш туфайли кўпгина жиддий муаммолар келиб чиқди. Чунончи, меҳнат ресурсларидан фойдаланишни олайлик. Бугунги кунда ана шу масала жуда қийинчилик билан ҳал этилмоқда. Бунинг сабаби аввало планлар ва қабул қилинган қарорларни бажаришга нисбатан масъулиятсизларча муносабатда бўлинаётганлигида, деб ҳисоблайман. Масалан, ўнинчи беш йиллик планида шаҳарда йирик кондитер фабрикасини қуриш режалаштирилган эди. Бу қўшимча тарзда минглаб кишиларни ишга жойлаштириш, аҳолини кондитер маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга ёрдам берган бўлур эди. Чунки, бугунги кунда республикада ана шу маҳсулотлар етишмаяпти. Шунга қарамай, фабрика қурилиши ҳалигача бошланмади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси Марказий Комитет бўлимларидан, республика Министрлар Советидан белгиланган планлар бажарилишини қаттиқ талаб этиши керак.

Мен ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси шаънига бир қатор танқидий мулоҳазалар ва таклифлар айтишни ҳоҳлардим.

Биринчидан, Марказий Комитет партия йиғилишларида, партия бюроси мажлисларида сайлаб қўйилган органлар аъзоларининг ҳисоботларини, ахборотларини эшитиш ва уларни қараб чиқишни тавсия этаётган бўлса ҳам, бу Марказий Комитетнинг ўз фаолиятида қўлланилмаяпти. Марказий Комитет аъзоларининг пленумлардаги ҳисоботлари ва уларнинг меҳнат коллективлари олдидаги ахборотлари тингланмаяпти.

Иккинчидан. Биз, Марказий Комитет аъзолари партиямиз Марказий Комитети фаолиятида, пленумлар ва бюроларда кўриб чиқиш учун киритиладиган масалаларни тайёрлашда фаолроқ иштирок этишни истаймиз.

Учинчидан. Партия группаларида, цех ва бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари йилнинг охирида ўтказилишини ҳаммангиз яхши биласиз. Бу эса пахта терими мавсумида коммунистларнинг ана шу йиғилишларга келишини таъминлашда кўпгина қийинчиликлар туғдиради. Шу сабабли партия ҳисобот-сайлов йиғилишларини йил бошида ўтказишни таклиф қиламан.

Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари **С. М. Мамарасулов** минбарга чиқади. Пахта етиштириш Ўзбекистон меҳнатчиларининг мамлакат олдидаги интернационал бурчи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, дейди у. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг шу масалага бағишланган пленуми бу етакчи тармоқдаги ишларнинг аҳволи қониқарсиз эканини таъкидлади. Бу ишда пировард маҳсулот — тола учун ҳисоб-китоб қилишга ўтиш ижобий баҳоланмоқда.

Ҳозирги вақтда ҳақнинг 90 проценти ҳом пахта учун тўланмоқда, бу кўрсаткич планга асос қилиб олинмоқда, шу соҳадаги планни бажариш обрўси аввалгидек устун бўлиб турибди. Обрў деганимнинг сабаби нима? Сабаби шуки, айни шу обрў бир вақтлар «Сўнгги чаноқ-қача териб олмиз», «Планни қандай қилиб бўлмасин бажрамиз» деган шиорни юзага келтирган эди. Ҳозир эса шунинг оқибатида минглаб кишилар қора курсида ўтиришибди.

Социалистик мамлакатнинг буюк обрў-эътибори олдида уялиб қолмаслик учун ҳозиргача ҳамма иш қилиндими? Ўтган йилги натижага қараганда, ҳали ҳамма иш қилингани йўқ. Яна ҳом пахта теварагида маш-маша кўтарилмоқда. Тола юзасидан белгиланган планнинг бажарилиши маънавий жиҳатдан эътиборга олинмаяпти, ҳар ҳолда мен республиканинг мўътабар анжуманларида бирон-бир киши ҳом пахта планини бажармаган бўлса ҳам, аммо омилкорлик билан ишлаб, пировард натижа — тола юзасидан белгиланган планнинг бажарилишини таъминлади, деган гапни эшитганим йўқ. Шундай кишининг натижаси эса экономикага ҳам зид келмайди.

Тўла хўжалик ҳисоби шароитида пахта тайёрлаш кўрсаткичи оператив кўрсаткичлар қаторига қўшилиши, хўжаликларнинг ишига олинган тола, чигит юзасидан баҳо берилиши ва ҳақ тўланиши, уларнинг ҳаёт фаолияти эса аванс йўли билан таъминлаб турилиши керак. Бу эса тола сифатини оширади, пахтани қўшиб ёзиш учун шароит қолдирмайди, пахтанинг ифлослилиги масалаларини ҳал этиш имконини беради, ингичка толали нав пахтанинг давлат стандарти ҳали ҳам белгилаб қўйилмаган бир шароитда шу навларга оид масалаларни айниқса тезроқ ҳал этишга кўмаклашади.

Бу— принципиал масала. Бироқ бу масалани талқин этишда бирон янгилик бўлмаганидек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари ўртоқ Антонов ҳам, шу тармоққа раҳбарлик қилувчи бўлим ҳам неча марталаб қўйилган бу масалага жавоб қайтарганлари йўқ.

Кейинги уч йил мобайнида — айни қайта қуриш йилларида пахта ҳосилдорлиги 27 центнердан 23 центнерга тушиб қолди. Модомики шундай экан, қайта қуриш ҳақида, иш юришиб кетганлиги ҳақида қандай гап бўлиши мумкин. Қишлоқ хўжалигидаги ишлар асло юришгани йўқ, ҳеч қандай қайта қуриш бўлгани йўқ.

Бунинг сабабларидан бири шуки, ҳозир ҳаддан ташқари кўп кишилар пахтачилик мутахассисларининг ишига аралашишга ўзларини ҳақли деб ҳисобламоқдалар. Ҳақиқий мутахассис эса — агрономдир. Пахтани агроном етиштиради, унинг фикри мўътабар бўлиши керак. Ҳолбуки, республикада агрономнинг роли жуда пасайтириб юборилган. Марказий Комитетда агрономнинг роли кўринмаяпти. Қолаверса илмий муассасалар раҳбарлигида ҳам, Министрлар Советида, Госпланда, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимида ҳам агрономлардан чиққан раҳбар ходимлар йўқ.

Иқтисодий ислоҳотнинг моҳияти маълумки, бошқарувнинг буйруқбозлик системасидан иқтисодий усулларга асосланган демократик системасига, марказчилик билан ўз-ўзини бошқаришни энг мақбул тарзда қўшиб олиб боришга ўтишдан иборат.

Бироқ, чамаси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси жойларда мустақилликни ривожлантиришга мувофиқ ҳолга келтиришга ҳафсала қилмаяпти. Область қишлоқ хўжалиги тўла хўжалик ҳисобига, ўз ҳаражатларини ўзи қоплашга ўтказилган бўлса ҳам, бироқ моддий техникавий таъминот масалалари ҳал этилмаган. Аввалгидек, Марказий Комитет бюросининг маъқуллаши билан қайси экинлар қанча майдонга экилиши ҳақида буйруқ берилмоқда, маҳсулот тайёрлаш планлари хўжаликларга маълум қилинмай оширилмоқда, колхоз ва совхозларнинг оператив фаолиятида ўринсиз кўрсатмабозлик давом этмоқда. Мана шундай ўзбошимчаликдан иборат маъмурий усуллар иқтисодий ислоҳотга зид келади.

Обрў-эътиборни сақлаш учун ўзини ўзи алдашга чек қўйиш, аҳволни сергак баҳолашга ўтиш керак, модомики, республика Госплани бундай қилмаётган экан, ниҳоят Марказий Комитет уни тўғри йўлга солиб қўйиши керак. Ўзбекистон ССР Госпланига янги кадрлар, шу жумладан академик ўртоқ Искандаров бошчилик қилмоқда, аммо планлаштириш илгари таркиб топган эски издан бормоқда, жойлардаги ишларнинг аҳволи эътиборга олинмаяпти.

Шуни айтмоқчиманки, Марказий Комитет бюросининг ўзи кўпинча асосий вазифаси тарбиялашдан иборат эканини унутиб қўйиб, жазо бериш органига айланиб қолмоқда. Иш коллектив жазолашларгача етиб бормоқда, бу хусусдаги мисоллар маълум. Кейинги вақтларда ўткирроқ иборалларга, қаттиқроқ жазоларга ҳаддан ташқари берилиб кетилганлиги сезилмоқда. Мен жазо бермаслик тарафдори эмасман, аммо ҳамнша ҳам талабчанлик, холислик, эътибор билан муҳокама қилиш, гуноҳкор кишиларнинг айб даражасини аниқлаш тўғри қўшиб олиб борилаяптими!

Партиявий тарбиянинг жуда кўп воситалари борлигига қарамай, учёт карточкасига ёзмай, КПСС аъзосига жазо бериш энди жазо ҳисобланмайдиган бўлиб қолди. Баъзан Марказий Комитет аппарати ходимларидан, агар учёт карточкасига ёзилмайдиган бўлса, шуни ҳам жазо деб бўладими, деган гапларни эшитаяпмиз, улар гарчи коммунистнинг айбини партия ташкилоти, район партия комитетининг бюроси муҳокама қилган бўлса ҳам, жазони кучайтиришни талаб қиладилар, ҳолбуки, партия ташкилоти, район партия комитетининг бюроси ўша кишини қоғозлардан эмас, балки меҳнатдан, ижтимоий турмушдан биладилар.

Бунда гап салбий ҳодисаларга, қуюшқондан чиқиш ҳолларига, ошна-оғайнигарчиликка, интизомни бўшаштиришга қарши кураш заб-тини пасайтириш ҳақида бораётгани йўқ, албатта. Ҳар қандай лавозимдаги кадрлар омманинг кайфияти билан ҳисоблашишлари керак. Ҳалол меҳнатчилар билан бўладиган суҳбатларда фақат ишонтириш усули мақбул, фақат тенг ҳуқуқли мулоқот шаклидан фойдаланиш керак. Бу соҳада Марказий Комитет бюроси намуна кўрсатиши керак.

Марказий Комитет бюросининг қайта қуришга раҳбарлик юзасидан ҳисоботида республика касаба союзлари ташкилоти ишидаги камчиликлар кўрсатиб берилди ва менинг шаънимга ҳақконий танқидий гаплар айтилди, деди Ўзсовпроф раиси **Ҳ. Алимова**. Ўзим ҳам иш натижаларимдан қониқаётганим йўқ.

Бугунги кунда ишлаётган кишиларни зарур санитария-маиший шароитлар билан таъминлаш даражаси саноат корхоналарида нормага нисбатан бор-йўғи 80 процентга етказилган, Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Сурхондарё, Навоий областларида бу кўрсаткич ҳали ҳам пастлигича қолмоқда. Касаба союзларнинг кўп ходимлари ўз фаолиятларини секинлик билан қайта қурмоқдалар, улар хўжалик раҳбарлари олдида ўзлари кўникиб қолган журъатсизликларини ҳамон бартараф эта олмаяптилар.

Ишлаб чиқаришнинг турли бўғинларидаги раҳбарлардан 700 га яқин киши турмуш ва меҳнатни муҳофаза қилиш шарт-шароитларини яратишдан бош тортганлиги учун қаттиқ жазоланди. Айни вақтда бош министрликлар, идораларнинг бирорта раҳбари кимгадир ишонч билдирмаганлигини айта олмаймиз.

Меҳнат қилиш учун яхши шароитлар яратиш — муҳим социал масала бўлиб, касаба союзлари бу иш билан изчил шуғулланадилар. Лекин

ОРОЛ ТАҚДИРИ— ЎЗ ТАҚДИРИМИЗ

ДЕНГИЗ СУВГА ТАШНА

Кеманинг бурни қум бархани бақинига суқулиб қолган... Қошқариш рубкаси кўзгусида сувни кўриш умиди бутунлай ўчган. Шимолда, Орол денгизи бундан ўн йил муқаддам чекинган жойда қум бўронлари авжида. Эндиликда «Советская Каракалпакия» деб ёзиб қўйилган кема бортини денгиз тўлқинлари энди ҳеч қачон эркаламайди. Саҳро иссиқдан ҳансираб нафас олади. Балиқ овловчи, шатакка олувчи кемалар, баржаларнинг занглаб кетган ускуналари қум остига кўмилган.

Аввалги Орол денгизи энди йўқ. Унинг кўзгудек юзаси икки баравар қисқариб қолган. Бу ерда охирги маротаба тўр 1983 йилда ташланган. Олтмиш карра ўрнинидан сўнг бор-йўғи ўн бешта олабўғабалиқ ушланган. Сув сатҳи тобора пасаяйб бораяпти. Ҳозирнинг ўзидаёқ Катта денгиз ва Кичик денгиз деган жарангдор номлар топиб қўйилган иккита катта шўр кўлмакда биронбир тирик мавжудот қолиши гумон. Олимларнинг фикрига қараганда бундай фожиа яқин йиллар мобайнида содир бўлади.

Қандай ҳодиса рўй берди ўзи.

Кейинги йилларда Оролнинг асосий боқувчиси — Амударёдан бутун сувни экинларни суғориш учун олиб қўйишди. Ирсофгарчилик авжига минди. Далаларга керагидан анча кўп сув таралди. Нами ортиб кетган тупроқ жуда тез минераллашади, унинг унумдорлиги йўқола боради ҳамда шўр босади. Ишлатилган ўнлаб куб километр сув қуйига бориб тўпланиб қолади — жуда катта бўгланувчи кўллар ҳосил бўлади. 1979 йилда СССР мелиорация ва сув хўжалиги министрининг ўринбосари Б. Г. Штепа Қорақум каналининг ташлама сувини Каспийга оқизиш учун коллектор қуришни таклиф этган эди! Азалдан сувсизликдан жабр тортиб келган Ўрта Осиёда қаерга оқизишни билишмайдиган «ортиқча сув» муаммоси қандай қилиб пайдо бўлиб қолдийкин? Том маънода бир денгиз сувнинг талон-торож қилинишига нима учун йўл қўйилди? Жавоби оддий. Илгари олтин билан баробар бўлган оби ҳаёт эндиликда бир тийин ҳам турмайди. Сув учун бирорта ҳам идора пул тўламаган.

Ким бонг уриши керак эди? Чамаси, фан. Бироқ Туркманистон ССР Фанлар академияси саҳро институти лабораториясининг мудири А. Б. Ботиров лоқайд кайфиятда: Бир вақтлар бутун Амударё сувини оқизиб юбориш мумкин — қумлар бир миқолини ҳам қолдирмай ютиб юборади, деб хавфсираганлар ҳам бор эди... Бироқ бетон билан қопланмаган канал қуриш мумкинлигини ҳаёт тасдиқлаги ҳамда кейинчалик бу ажойиб тарзда (! — А. М.) исботланди».

Энди бўлса, ҳаёт Ўрта Осиё каналларидаги сувнинг қоқ ярми ер қатъ.рга сингиб кетаётганини «ажойиб тарзда» исботламоқда! Қорақум каналининг юзлаб километрлари очиқдан-очиқ қумликлар орасини ёриб ўтган. Ўша жойларда қанча сув исроф бўлаётганини умуман ҳисоблаб чиқиш қийин, қум оби ҳаётни ютиб юборяпти. Демак, бутун ана шу давр мобайнида биз сувни экинзорларни суғориш учун чеклаб ташлаган эканмиз-да. Бироқ энг даҳшатлиси бунда эмас. Фильтрлашув ҳам, тупроқда намнинг кўпайиб кетиши ҳам еросги сувларининг юзага тез кўтарилиши, унинг баробарида ўсимликни ҳалокатга маҳкум этадиган минерал туз.ларнинг юқорига чиқиб қолишига шароит туғдирди. Нукусда мен қовжираб ётган паркни кўрдим. Ҳозир эса бутун шаҳар бўйлаб йўл ёқаларидаги тераклар.нинг таналари ярим ялангоч ҳолда — уларга ҳам навбат келиб қолди.

Фожиавий ечимни яқинлаштириш мумкин, уни амалга оширишга тайёр одамлар ҳам бор. «Регионнинг сув билан боғлиқ жамики муаммоларини бирйўла ва бутунлай ҳал этиш мумкин! — дейишмоқда улар. — Бунинг учун Сибирь дарёларининг оқимини Ўрта Осиёга буриб юбориш кифоя». Фақат бир нарсани аниқ-равшан қилиб айтса бўлади: дарҳақиқат, муаммони «бутунлай» ҳал этиш ҳам мумкин, аммо кейин йўл қўйилган хатони тузатишнинг иложи қолмайди.

Орол денгизи масаласида аччиқ хатога йўл қўйилди, деган тасаввур пайдо бўлиши мумкин. Баъзилар ҳамма айбни табиий ҳодисаларга, хусусан табиат инжиқликларига боғламоқчи бўладилар. Бироқ Оролни ҳалок қилишнинг онгли йўли тутилди. СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг министрнинг биринчи муовини П. А. Пўлатзода бошчилигидаги масъул ходимлари «Орол» денгизининг бефойдалиги тўғрисида»ги тезисни илгари сурдилар. Денгизнинг қуриган тубида «кенг яйловлар», «гала-гала подалар» ва «сон-саноқсиз йилқилар» боқилиши ҳам кўзда тутиб қўйилди... Орол денгизи тубида турибмиз. Атрофимиз ҳаётдан ном-нишонсиз бўшлиқдан иборат — қум-шўрҳок саҳро икки миллион гектардан ортиқроқ майдонни ташкил этади. Денгиз батамом қуриб бўлгач, бу саҳро уч баравар кенгаяди ҳамда Қорақум ва Қизилқумга қўшилиб кетади.

Орол минг йиллар мобайнида Ўрта Осиёни шимолнинг совуқ шамолларидан сақлаб келди. Бугланишнинг кучли гирдоби билан учрашганда унинг юзасидан кўтарилган совуқ ҳаво оқими «атмосфера лифти» орқали жуда баландликка кўтариб ташланар, у бир неча минг километр йўл босиб Помирнинг абадий қорлари запасини тўлдирарди. Музликлар эса эриб дарёларга ҳаёт бағишларди. Дарёлар одамларни сувга қондирар ва боқарди... Пайти келиб инсон бирданига жуда кўп пахта олишни истаб қолди. Дарёни саҳрога буриб юборди. Денгиз қурий бошлади, ноёб экологик занжирнинг энг муҳим бўғини бузилди, шимол шамоли йўлидаги тўсиқ заифлашиб қолди.

Ўтган ёзнинг авжи пайтида Ўзбекистонда ёмғирлар ёғди. Илк бор мен Тошкентда жазирама иссиқдан қийналмадим. Осмонда тез-тез булутлар пайдо бўлиб турди. Ҳатто чошгоҳда ҳам ўрта минтақанинг салқин шабадаси эсарди. Пахта ҳосилининг тақдирини июлдаёқ каромат қилишганди. Бу иссиқсевар ўсимлик ҳарорат одатдан ташқари паст келганлиги сабабли ривожланишдан анча орқада қолган эди. Иқлимшунослар Ўрта Осиё районни пахта етиштиришдан бутунлай махрум бўлиши мумкин, деб ҳисобламоқдалар. Бу ерда ҳаво тобора совиб бораяпти.

Бундай истиқбол «манфаатдор кишилар»ни ташвишга солаяптими? Кошкийди шундай бўлса... 1979 йилда Москвада бўлиб ўтган амалий кенгашда Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг вакили хотиржамгина шундай баёнот берди: «...Агар зарур бўлиб қолса, биз ҳамма сувни суғориш учун олишимиз мумкин, Орол эса чиройли ўлим топаверсин!» Бу шиорни давлат комиссияси хузурида ўтган йил ёзда П. А. Пўлатзода ҳам қайтарди. Ҳар йили шамол миллионлаб тонна тузни далаларга сочаяпти. Шўр қатлам тили тўрт юз километрга етади. Ҳалок бўлаётган денгизнинг заҳарли нафаси ҳозирнинг ўзидаёқ Бухоро, Навоий, Самарқанд экинзорларини ҳам нобуд этмоқда. Офатнинг манбаи инсон Оролдан «тортиб олган» майдонларда бир зумда ҳосил бўладиган туз тепаликларидир.

Биз учаётган «АН-2»нинг иллюминаторидан ҳаммасини аъло даражада кўриш мумкин. Атрофда уюм-уюм қумлар. Ҳар бир бута худди кафтда турагандек. Олдинда Мўйноқ сомонли уйларининг кўзга яққол ташланадиган суваладиган томлари. Кўз етадиган масофадан нарида гўё туман мисоли рангли қалин парда осилгандай.

— Бу чанг-туз бўрони, — изоҳ беради суҳбатдошим, шу ерда чиқадиган газета редактори Кенесбой Реимов. — Шаҳар томонга қараб йўл олмаса кошкийди.

Агар мўъжиза рўй бериб, ҳамма сувни Оролга қайтарганларида ҳам ундаги пестицидлар, гербицидлар, зararли тузларни ҳеч қандай сеҳр билан йўқотиш мумкин эмас. Денгиз юзасидаги заҳарли химикатларининг муқаррар равишда бугланиши бу беполён регионда мавжуд жамики жонзотларга хавф туғдиради.

Ўрта Осиёда «Ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам миллионлаб тонна пахта берамиз!» деган шиор остида пестицид ва гербицидлардан фойдаланишнинг йўл қўйиладиган нормалари бир неча баравар ошиб кетди. Ҳозир уларнинг «фойдаси»ни фақат майда қўнғизларгина ўзларида ҳис этишмаётгани тобора равшанроқ бўлмоқда. «Регионда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларини қўлланиш билан бевосита боғлиқ касалликлар: қон хасталиги, ривожланиш ва туғишдаги бузилишлар кенг тарқалди», — дейилади СССР Гидрометеорология давлат комитети раиси Ю. А. Израэль раҳбарлигида тадқиқотлар олиб бораётган экологик группанинг докладида. Ер ердаги сувда сут ивиб қолаяпти, чой зўрға дам ейди, таъмига кўра у ёвғон шўрвага ўхшайди. Узоқ вақтгача химчисткани ишга тушира олмадилар: маҳаллий сув кимёвий реактивлар билан реакцияга киришмас эди. «Ишда бир дистилланган сув ичамиз, водопровод сувидан ҳатто қайнатилган бўлса ҳам хавфсираймиз», — тан олиб дейди Нукус сув микробиологияси лабораториясининг мудири Людмила Григорьевна Константинова. Ваҳоланки, республика аҳолисининг 64 процанти ичиш учун сувни бевосита очиқ ҳавзалардан олади.

Жамоатчилик бонг ура бошлади. Орол денгизини қутқариш фонди ташкил этилди. Давлат банкининг Тошкентдаги Куйбишев район бўлими 000700778 сонли счётига ихтиёрий равишдаги эҳсонлар келиб тушмоқда. Ёзувчилар, олимлар, космонавтлар дастлабки саховат пешаларидир. Оролни қутқариб қолиш зарур. Аммо қандай қилиб?

«Союзгипроводхоз» бўлими бошлиғининг ўринбосари Иван Иванович Нехорошев ўзига хос ва соддагина технологияни ишлаб чиқди. У Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг саҳро шароитида ҳар қандай тузлар жам бўлган сувни чучуклаштириш имконини беради. Табиатда маълум бўлган денгиз сувини паст ҳароратда табиий чучуклаштириш принципи қилиб олинган. Қутбчиларда сув муаммоси йўқ — денгиз музи вақт ўтиши билан ичимли сувга айланади. Ер қазийдиган фрезерлик машинаси ёрдамида бундай жараённи ҳатто жанубий районларда ҳам қиш даврида моделлаштириш мумкин. «Табиий шўр сувли ҳавзаларнинг 'қирғоқлари бўйлаб амалда чекланмаган ҳажмда сувни чучуклаштириш имконияти борлиги таклиф этилаётган қурилманинг асосий қийматини белгилайди», — дейилади «Союзгипроводхоз» институти бир гуруҳ мутахассислари томонидан тайёрланган ва бош инженер О. А. Леонтьев тасдиқлаган лойиҳа ҳақидаги хулосада. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, хатто энг ноқулай шароитда ҳам сувни чучуклаштириш ҳозирги мавжуд усулларга нисбатан камида ўн баравар арзонга тушади. Орол денгизи учун унинг айниқса муҳимлиги шундан иборатки, ишлатилган оқава сувларга иккинчи ҳаёт бағишланади. Шунда Оролни заҳри заққум коллектор ташламаси билан эмас, балки тоза чучук сув билан тўлдириш мумкин бўлади. Янги технология яхшилаб текширувдан ўтказилганидан кейин келажакда мамлакатнинг бутун жанубида сув танқислиги муаммосини ҳал этиб берса ажаб эмас.

Бу мактрога авторлик гувоҳномаси ўттиз йил муқаддам берилган. Тажриба нусхаси синовлар пайтида ажойиб натижалар кўрсатди. 1958 йилда СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг медали билан тақдирланди. Ўттиз йилдан буён мамлакатимиз ер қазиш техникасининг шу соҳаси бўйича... қоғозда устунлик қилиб келмоқда. Қонуний савол туғилади: нима учун шундай бўлди! ЭФМнинг энг асосий камчилиги унинг юқори самара бериши — ер ишлари таннархини жиддий равишда арзонлаштириши эмасмикан!

Орол фожиасида фақат Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг бир ўзи айбдор эмас. Ўз вақтида Ўзбекистоннинг пахта етиштиришдаги «катта сакраш» ғоясидан кўзлари қамашган раҳбарлари бир дақиқалик фойда келтирадиган ҳар қандай авантюрага йўл очиб берган эдилар.

Бироқ Бутуниттифоқ сув хўжалиги маҳкамаси ҳозир ҳам айнан ўша сиёсатни тарғиб этмоқда. «Ўрта Осиёнинг сув муаммосини ички ресурслар ҳисобига ҳал этиб бўлмайди, Сибирь сувларисиз иш битмайди», — дейишмоқда Ўзбекистон Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигидагилар ўзларининг москвалик ҳамкасбларига. Сувдан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ тўкис вариантларни йўққа чиқармоқчи бўлишаяпти, эҳтимол, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги тасарруфидаги мелиорация системаларининг киши ёқа ушлайдиган даражада паст самара бераётганлиги сув жинояткорона равишда кўплаб исроф бўлаётганлиги очилиб қолишидан чўчиб шундай қилишаётгандир. «Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги яхши яшаш учун кенг кўламдаги ер қазиш ишларини олиб бориши зарур. Бундай ишлар қанча кўп бўлса, шунча яхши», — тушунтиришди менга «Союзгипроводхоз»нинг баъзи масъул ходимлари. Фондлар, тўланадиган маош, мукофотларнинг ҳажми бажарилаётган иш таннархига тўғри мутаносибдир. Бутун чигаллик шу ерда эмасмикин? Моддий манфаатдорлик принципи ўзгартирилгунича йўқ жойдан бўш жойга сув қуядиган устомонлар ўзларининг Стратегик Ер қазиш ташаббусларидан воз кечмайдилар ҳамда дарёларни тескари оқизиб, денгизларни қуритаверадилар.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг кеча матбуотда эълон қилинган қарорида мамлакатимиздаги сув ресурсларидан фойдаланишни яхшилашга доир бир қатор муҳим тадбирлар белгилаб берилди. Балки, Оролга энди енгилроқ бўлар.

А. МОРОЗ.
(Махсус мухбиримиз).
(«Комсомольская правда», 1988 йил 28 январь).

МИНИСТРНИНГ ФИКРИ ТЎҒРИМИ?

Жайхун—вена
Артерия—Сирдарё,
Орол, билсанг, юракдир.
Юртим, юраксиз қолсанг.
Тананг кимга керакдир!!

Шоир айтганидек, харитага боқсангиз юрак шаклидаги Орол денгизи мавжланиб турибди. Икки йўғон томир— икки дарё унга бориб туташган. Бу Ўрта Осиёнинг юраги — Орол! У кўз ўнгимизда «чиройли ўлаяпти».

— Матбуотда «Оролни асраш мумкин!», «Оролга — ҳаёт!» ва бошқа номлар билан шов-шув боп мақолалар босилмоқда. Аксариятида «Янги ерларни ўзлаштириш тўхтатилсин!», «Сув омборлари тўгатилсин!» деган чақириқлар ҳам учрамоқда. Бу эса масалага жиддий, чуқур, ўрганилмасдан, аниқ ечимсиз ёндашилаётганлигидан дарак беради, — деди Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри Қ. С. Сапаев Ўзбекистон Ёзувчилар союзи Оролни асраш комитетининг навбатдаги мажлисида сўзлаган нутқида. — Аслида Оролни асраб қолиш имконияти йўқ! Бироқ, регионда экологик вазиятни бирмунча сақлаш учун қатор тадбирларни амалга ошириш мумкин. Пайдо бўлган вазиятни ҳисобга олиб Орол денгизи ҳавзасидаги ер-сув ресурсларини асраш, улардан самарали фойдаланишнинг келгусида бўлган схемасини тузиш, экологик ва санитария-эпидемиология ҳолатларини ҳисобга олиш, янги ерларни белгиланган лимитда ўзлаштириш, Орол бўйида ҳосил бўлган туз ва қумнинг атрофга тарқалишини тўхтатиш учун бу ерларни СССР Гослесфондига бериш, 1988—1989 йиллар давомида тадқиқот-лойиҳа ишларини амалга ошириш, СССР Фанлар академияси, Госкомгидромет ва Ўрта Осиё республикалари Фанлар академиялари билан биргаликда Орол регионида ҳосил бўлган экологик ҳолатни баҳолаш учун кузатиш ишларини олиб бориш белгиланган.

Министр Қ. Сапаев ўз маърузасида фикрини аниқ ҳисоб-китоблар билан далиллаб; Орол денгизи 3—3,5 минг йил аввал ҳам қуриганини, сўнг аста-секин яна ўз ҳолига қайтганини, бундай вазият минг йил олдин ҳам такрорланганлигини, денгиз ўз тарихида икки марта тўлиқ қуриб қолганлигини, бир неча бор сув сатҳи пасайиб, яна кўтарилганини эслатиб, денгиз сувининг озайишига мўғул босқинчиларининг канал ҳамда ғовларни бузиб ташлаганликлари ҳам сабаб бўлгани эҳтимол деб айтди...

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правленияси раиси Одил Ёқубов Орол муаммосига бағишлаб иттифоқимиздаги атоқли адиблар ва жамоат арбобларининг йиғинини ўтказиш тўғрисида гапириб, эндиликда бутун инсоният тақдири тинчликни сақлаш, экологик мувозанатни тиклашдек оғир вазифани ижобий ҳал этишга боғлиқ эканлигини, Орол масаласига панжа орасидан қараб, фойда ва зарарни ҳисоблаб эмас, балки маънавий манфаат нуқтаи назари билан қараш лозимлигини таъкидлади. Қачондир Орол шу қолга тушган, яна қайта юзага келган экан, — деди адиб, — бу табиий қурғоқчилик сабабли бўлган. Аммо у пайтлар, табиийки, сунъий суғориш тармоқлари, миллион-миллион гектар янги ўзлаштирилган ерлар бўлмаган, албатта. Орол бугунги кунда табиатнинг нотинчилиги туфайли эмас, балки бизнинг, ҳар биримизнинг лоқайдлигимиз, совуққонлигимиз оқибатида шундай мусибатли аҳволга тушганлигини зинҳор унутмаслигимиз керак.

— Оролнинг қисмати Ўрта Осиё халқлари тақдири билан узвий боғлиқ, — дейди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саравр Азимов. — Бу региондаги халқларнинг эркин ривожланиши учун Оролни асраб қолиш жуда муҳим. Уни ўз ҳолига ташлаб қўйиш Ўрта Осиё халқлари тақдирига атом бомбаси қўйиш билан баробар. Тарихда энг буюк ишлар маблағ билан эмас, халқларнинг иродаси, сафарбарлиги билан амалга оширилганлиги маълум. Узоқ ўтмишда не-не халқлар йўқ бўлиб кетишган, қанча халқлар пайдо бўлишган. Келажакда авлодлар қарғишига қолмаслигимиз учун ҳам Оролни қутқариш керак!

Ўзбекистон аҳолисининг 46 процанти агросаноат комплексида меҳнат қилмоқда. Кейинги ўн беш йил давомида ҳар йили 80—100 минг гектар янги ер ўзлаштирилиши агросаноат комплексига меҳнатга яроқли 300—350 минг ишчи кучини қўшимча жалб этиш имконини берди. Бу Ўзбекистон экономикасининг деярли тўлиқ ривожланишини таъминлади. Республика аҳолисининг ўсиши қишлоқ хўжалигида мураккаб социал-деммографик вазиятни юзага келтирди. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган ҳар бир ишчи ҳисобига тўғри келаётган маҳсулоти 4,2 минг сўмни ташкил этса, республикамизда бу кўрсаткич 2,6 минг сўм бўлди. Мамлакатимиз қишлоқларида яшовчи оилаларнинг ҳар бир аъзоси ўртача 83,5 сўмдан даромад олса, республикамизда 52,5 сўмдан даромад олмоқда. Суғориладиган ерлар ҳар бир одамга 1965 йилда 0,25 гектардан тўғри келган, 2000 йилга бориб 0,14 гектарга қисқаради. Ҳозир Ўзбекистон аҳолисининг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари—гўшт, сут ва тухумга бўлган эҳтиёжи мамлакат миқёсидан 41—57 процент паст даражада қондирилмоқда. Ҳатто сабзавотни 1,5 ҳисса кам истеъмол қиламиз.

Табиийки, суғориладиган ерлар майдони кенгайтирилмасдан аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари қондирилгудек бўлса, 2010 йилга бориб мавжуд суғориладиган ерларнинг озгина қисмига чигит экишга тўғри келади. Шунинг учун республикамизда 2000 йилгача яна 800 минг гектар атрофида янги ер ўзлаштириш планлаштирилган. Аммо ҳозирги пайтда ортиқча сув ресурсларининг деярли тугаганлигига қарамасдан янги канал ва сув омборлари қурилишлари давом этмоқда.

Мавжуд суғориладиган ерларни реконструкция қилиш йўли билан мелиоратив ҳолатини яхшилаш 11 кубокилометр сувни иқтисод қилиш имконияти вужудга келади. Белгиланган капитал маблағнинг 70 процентини суғориладиган ерлар, зовур ва коллекторлар, сув ҳавзалари ҳолатини яхшилашга ажратиш ўн иккинчи беш йиллик охирига бориб 600 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилайди. Ҳаммаси бўлиб республикамизда 1 миллион 800 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини қайта тиклаш лозим.

Министрнинг айтишича пахта майдонларини кескин камайтиришнинг иложи йўқ. Фақат ер структурасини яхшилаш, ҳосилдорликни ошириш, мавжуд сув ресурсларини исрофгарчиликдан сақлаш йўли билан белгиланган тадбирларни амалга ошириш мумкин. Матбуотда айтилаётганидек, коллектор ва зовур сувларининг тўпланишидан ҳосил бўлган Арнасой ва Сариқамиш кўлларидаги сувни Оролга ҳайдаш тўғрисидаги таклиф тўғри эмас. Бунинг учун бир неча миллиард сўм маблағ сарфлашга тўғри келади. Кўллар тугатилганидан сўнг эса қурилган объектлар қимматли техник жиҳозлар яроқсиз ҳолга келиб қолади.

Оролни асраш комитети раиси П. Шермуҳамедов, Орол муаммосини ўрганиб чиққан Ю. Израил бошчилигидаги давлат комиссияси хулосаларидан қаноатланиб бўлмайди, — деди. — Бу комиссия хулосаси узоқ келажакни эмас, якин 20—30 йил атрофини назарда тутиб чиқарилган. Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ишлаб чиққан тадбирларни амалга ошириш билан ҳаммаси бўлиб 20—22 кубокилометр сувни Оролга қуйиш мумкин. Ҳозирча шунча сув ҳам Оролга бормаётганлигига нима дейсиз?

Орол сувининг бўгланиши натижасида туз-қумдан иборат 60 минг квадрат километр майдон ҳосил бўлади. Бу майдондаги қум ва тузнинг ҳавога кўтарилиши оқибатида ҳозир ҳар гектар суғориладиган ерга 1—3 тонна туз ҳаво орқали учиб келмоқда. Шунинг учун Узбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги Орол атрофида «яшил тўсиқ» ташкил этиш лозим деган қарорга келди. Оролни сақлаб қолиш мумкин эмас экан, ҳар қандай «яшил тўсиқ» фойда бермаслигини министр нахотки билмаса?!

Ўз-ўзидан маълумки, юқорида айтганимиздек, белгиланган барча тадбирлар Оролни асраб қолишмайди. Сув сатҳининг пасайишини атиги бир неча йилга тутиб туриш мумкин. Оролдан биз қарздормиз, чунки унинг насибасини қирдик. Ҳозир Оролни асраб қолиш учун талаб қилинаётган жуда катта миқдордаги маблағни сарф этишга давлатимиз қодир эмас. Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиёга оқизиш тўғрисидаги таклиф амалиётга кўчмас ёки Каспий денгизи билан Орол туташтирилмас экан, Ўрта Осиёнинг тақдири қил устида тураверади. Бироқ, мана шу жафокаш Орол ўзига талаб қилинган маблағдан кўра бир неча баробар кўп маблағни бизнинг фаровон ҳаётимиз учун берди-ку! Олинган фойданинг бир қисмидан воз кечишга нега кўзимиз қиймаяпти? Биз истаймизми, истамаймизми — Орол ўз ҳақини қайтариб олади. Шундай қайтариб оладики! Қум, туз босган ғоғлари, далаларни, шаҳар ва қишлоқларни кўз олдингизга келтириб кўринг-а, қанчалик даҳшатли манзара... «Олмоқнинг бермоғи бор»—дейди халқимиз. Табиатга хиёнат қилсак, Ватанга, ўзимиз ўзимизга хиёнат қилган бўламиз. Бундай жиноятни қилганлар учун ўлим энг енгил жазо ҳисобланади. Энг оғир жазо эса келажак наслнинг тавқи лаънатига йўликишдир.

Шукур СОДИҚ
шоир.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ. Паст Дарғом район Калинин номли колхозидаги 23-кутубхона ўқувчилари сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бунда знёхона мудираси Ҳаловат Шомуродованинг хизматлари катта. 1987 йили унинг ташаббуси билан китоб тарғиботига бағишлаб 14 та оммавий тадбир ўтказилди.

СУРАТДА: кутубхона мудираси Ҳаловат Шомуродова.

Ғ. АЛИЕВ фотоси.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

ҚОҒИЛ, ДЕЛЬФИНЛАР!

Ажойиб бу жониворлар ғаласи жанубий африкалик уч яхтачини муқаррар ўлимдан сақлаб қолди.

Бизнинг кемачамиз Ҳинд океани соҳилларида жойлашган Ист-Лондон шаҳридан тахминан бир километрча узоқликда тўнтарилиб кетди, деб ҳикоя қилади табиий офатга учраганлардан бири Питер Сток Йоҳанесбургнинг «Стар» газетаси мухбирига. Чорасиз вазиятга тушиб қолгандик, теварак-атрофда акулалар сузиб юришарди. Юксак тўлқинлар ағдарилиб кетган кемачамизни тиклашга имкон бермасди.

Кутилмаганда мўъжиза содир бўлди: тўсатдан пайдо бўлган дельфинлар бизни атрофдан қуршаб олишди. Қулай имкониятдан фойдаланиб кемачаларни тиклаб олдик-да, соҳил томон хотиржамлик билан жўнадик. Жониворлар бизни тўлқин, қайтаргичларгача кузатиб қўйганларидан кейингина океанда йўқ бўлдилар.

ЭДИСОН ОРЗУСИ УШАЛДИ

Фонограф (товушни ёзиб оладиган ва эшиттириб берадиган асбоб) машҳур Эдисонга шуҳрат келтирган кашфиётлардан бири эди. Бироқ у ўз аппаратида фақат товушнигина эмас, балки суратларни ҳам қабул қилишга ўринганини кўпчилик билмайди. Шунга қарамай олим мумли валикларда бунинг уддасидан чиқа олмаган. Ўша даврдаги техника даражаси бу дадил ғояни рўёбга чиқаришга имкон бермасди.

Япон инженерлари айни Эдисон фикри асосида тасвирни оптик гардишга туширувчи лазер аппаратини ихтиро қилдилар.

ҚИШДА... ҚУЗИҚОРИН

Табиат Франциянинг унча катта бўлмаган Бургэн-Жалье шаҳрида истиқомат этувчи кишилардан бирига ғалати совға инъом этди. У Эн дарёси бўйида сайр қилиб юрганида ўн иккита қўзиқорига дуч келиб қолди. Мутахассисларнинг фикрича, бу неъматларнинг қиш даврида пайдо бўлиши камдан-кам учрайдиган ҳодисадир. Негаки, улар одатга кўра апрель ва май ойларида униб чиқади.

Табиатшунос ён дафтаридан

КЎКЛАМ ДАРАКЧИСИ

Йилнинг ўн икки ойи орасида энг қисқаси — февралда куррамизнинг олис-яқин минтақаларида об-ҳаво турлича бўлади. Масалан тундрадаги қорлар совуқ шамол қаттиқ эсиши натижасида зичлашади. Буғуларнинг оқ қатлам остидаги йўсинларини туёқлари билан қазиб олиши қийинлашади, тайга қалин қор билан қопланади. Бепоён Ватанимизнинг Украина, Қуйи Волга бўйи ва Қозоғистон даштларида қуёш нури таъсирида қорнинг юза қатлами сал эриб, юпқа муз билан қопланади. Кенг баргли ўрмонларда жўка дарахтининг қанотли мевалари чиройли шакллар ҳосил қилиб, қор устига ёнбошлайди.

Кичик Осиё (Туркия), Эрон, Ироқ, Афғонистон ва Ўрта Осиёга гўзал фасл — баҳор ташриф буюради. Кўклам Жанубий Хитой денгизи соҳилларидан етади, майда мевали дарахтлар гуллай бошлайди. шимол томон йўл олиб, Янцзи дарёси ҳавзасигача Тайвань оролида деҳқонлар шоли экишга киришадилар. Мексика қўлтиғи соҳилларида, Сьерра-Невада, Каскад тоғларида, Миссисипи дарёси ҳавзасининг жанубий томонларида, Флорида ярим ороли ва Аппалачи тоғлари этакларида ҳам баҳор бошланади. Мисрда кузги дон экинлари ва беда февраль ойида ўриб олинади. Қушлар шимолга жўнаш учун тайёрланишади. Африка саванналарида ҳаво ҳаддан ташқари исиб кетади. Жазирама иссиқ натижасида барча дарахтларнинг барглари тўкилади.

Ҳиндистон ва Ҳинди-Хитойда февраль — иссиқ мавсумнинг биринчи ойи. Емғир мутлақо ёғмайди. сув камайиб, кичик дарёларнинг таги кўриниб қолади.

Жанубий ярим шарда куз фасли аломатлари сезила бошлайди. Америка жанубидаги Оловли Ер оролида кузги изғирин бошланади, ўсимликлар сарғаяди, океанда кучли тўлқинлар кўтарилади. Африкадаги Калахари чўлининг шарқий қисмида ўсимликлар ўсишдан тўхтайди. Австралиянинг жанубий-ғарбий қисмида дастлабки кузги ёмғирлар ёғади.

Республикамизда февралнинг иккинчи ярмидан кун аста-секин илиб бошлайди. Жанубий районларда эса баҳор нафаси уфуради, ой охирига бориб дарахтлар куртак чиқаради, майсалар ниш уради. қиш уйқусига кетган ҳайвонларнинг уяларида безовталик бошланади. Ўтроқ қушларнинг ҳаёти енгиллашади, улар қори эриган ерлардан ризқи рўз топиб ейдилар.

Февраль тугаши билан юртимизнинг барча ерларига гўзал фасл — баҳор сеп ёзади.

Т. МАҲМУДОВ,
табиатшунос.

ИККИ УЧРАШУВ

Санъат мухлислари Абдулҳамид Мажидий номли Катта-қўрғон шаҳар ўзбек давлат драма театрининг икки янги спектаклини томоша қилдилар. Ҳусайн Шамснинг Ўзбекистонда коллективлаш йиллари, ички душманларга қарши кураш, эзгулик йўлида берилган қурбонлар ҳақидаги «Душман» романи асосида яратилган инсценировкани театр бош режиссёри Иброҳим Нурмонов саҳналаштирди. Безакларни истеъдодли ёш рассом Ноила Қораева ишлади.

Асосий ролларни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Икром Ҳонимқулов, Ширин Мусаева, Шамсиддин Аминов, маҳоратли актёрлардан Райҳона Ҳошимова, Жўра Эшов, Рустам Эргашев ва Нусрат Ҳожиев ижро этишаётир.

Грузин драматурги Г. Нахуршвилининг жаҳонда барқарор тинчликка эришиш, қуролланиш пойгасига чек қўйиш мавзуидаги «Миттивой» эртак-пьесасини эса режиссёр Равшан Ёриев саҳнага қўйди.

Асосан ёш томошабинларга мўлжалланган бу спектаклнинг премьераси муваффақиятли ўтди. Бош ролларни бажараётган артистлардан Саодат Рустамова, Ойбек Эргашев, Зумрад Бобоназарова, тажрибали санъаткордардан Носир Сайфиев, Ғайбулла Исломов, Гулнора Ҳотамова, Анора Исмоилова ҳамда Шамсиддин Эргашевнинг ижрочилик маҳоратлари барчага манзур бўлаётир.

Шуниси диққатга сазоворки, «Миттивой» спектаклидаги асосий персонажларни театр қошида ташкил этилган «Қалдиргоч» болалар драма студиясининг иштирокчилари ижро этишмоқда.

А. ҲОШИМОВ.

Спорт ахбороти

БОКС

Спортнинг бу тури бўйича республикамиз пойтахтида бир неча кун давом этган СССР биринчилиги ниҳоясига етди. Рингдаги «жанг»лар кўп сонли ишқибозлару мутахассисларда катта таассурот қолдирди. Чемпион бўлганлар орасида белоруссиялик Яновский, ленинградлик Артемьев, арманистонлик Казарян, қозоғистонлик Зайцев ва Мирошниченко, москвалик Маҳмудов, қирғизистонлик Назаров, РСФСР вакили Ерошченко, украинадлик Елисеев ва Акшонов каби чарм қўлқоп усталари бор.

Бокс бўйича СССР чемпионатининг республикамиз пойтахтида ўтказилиши қувончли, албатта. Лекин шунга қарамай, фақат бир боксчимизга — Х. Матчоновгина совриндорлар сафидан ўрин олди, холос. Шунинг ўзи ҳам республикамизда спортнинг бу турига эътибор сустлигини, иқтидорли боксчиларни тарбиялаш масаласи диққат марказидан четда қолаётганини яққол кўрсатди.

ФУТБОЛ

Мамлакат чемпионати кундан-кунга яқинлашаяпти. Шу боисдан биринчиликнинг барча лигаларида қатнашадиган коллективлар ҳал қилувчи учрашувларга тайёргарликни ҳар томонлама кучайтириб юбордилар. СССР биринчилигида республикамиз шарафини ҳимоя қиладиган Тошкентнинг «Пахтакор» командаси ҳам мавсумга пухта тараддуд кўраяпти.

Пахтакорчилар нафақат ўзларининг тактик ва техник маҳоратларини оширишга, балки бир неча ўртоқлик учрашувлари ўтказиб, чемпионатга қандай тайёргарлик кўрганликларини синаб кўришга ҳам улгурдилар. Масалан, улар андижонлик клубдошларини 3:1, Олмалиқнинг «Металлург» коллективини 5:0, Тошкентнинг «Трактор» командасини 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Энди навбат халқаро учрашувларга келди. Пахтакорчилар эртами-индин Болгарияга йўл оладилар. Улар Солданск округида бўлиб ўтадиган мусобақада қатнашадилар. Шундан сўнг ҳамюртларимиз Ватанга қайтиб, чемпионатга тайёргарликнинг ҳал қилувчи босқичини давом эттиришади.

Редактор
А. Ғ. МУХТОРОВ.